O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

**Da'vat**

*Агар сен керагидан ортиқроқ билмасанг, унда ҳеч қачон керагича билмайсан.*

*Уильям БЛЕЙК*

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 30 январь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 8 (7411)

**Ibrat**

*Шароф Рашидов туманидаги мавжуд 22 та мактаб ва 10 та боғча жамоаларининг 2002 йилда педагогик даврий нашрларга обуна бўлишлари учун туман ҳокимлиги томонидан бир миллион икки юз минг сўм маблағ ажратилди.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ АНИҚ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАРЗДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Давлат томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг моддий фаровонлик даражасини ошириш, кекса авлод манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида:**

1. Иш стажининг тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган миқдоридан ортиқ қисмини ҳисоблаб чиқишдаги мавжуд чеклашлар 2002 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинсин.

2. Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича оналарга бериладиган ойлик нафақалар миқдори 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб энг кам иш ҳақининг 170 фоизи, 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб эса 200 фоизи миқдорида белгилансин.

3. 16 ёшгача болалари бўлган нафақа олувчи оилалар тоифаси кенгайтирилиб, умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқийдиган 18 ёшгача болалари бўлган муҳтож оилалар ҳам шу тоифага қўшимча равишда киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги ПФ-1383-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2002 йил 25 январь*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори*

## Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ТЎҒРИСИДА

*Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, оила манфаатларини таъминлаш, аёллар мавқеини ошириш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилган умумдавлат чора-тадбирлари республикадаги ижтимоий-демографик вазиятни сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. Оила институти мустаҳкамланмоқда, чақалоқлар ўлими камаймоқда, туғруқ ёшининг таркиби яхшиланмоқда, аҳолининг узоқ умр кўриши даражаси ўсмоқда.*

*Шу билан бирга, республика минтақалари бўйича аҳолининг репродуктив саломатлиги кўрсаткичларининг таҳлили кўрилаётган чора-тадбирлар ҳали етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари, Бандихон, Бахмал, Чирокчи, Қўшработ туманлари ва бошқа туманлар аҳолисининг репродуктив соғлиғи кўрсаткичлари республика ўртача кўрсаткичларидан кўпроқ орқада қолмоқда.*

*Оилаларнинг тиббий маданияти даражасини янада ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:*

1. Соғлом авлод, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданияти даражасини ошириш масалалари бўйича доимий ишловчи Ҳукумат комиссияси ташкил этилсин.

Комиссияга қуйидаги функциялар юклансин:

минтақалар ва ҳудудлар бўйича демографик вазиятни, репродуктив саломатликни яхшилаш юзасидан амалга

(Давоми 2-бетда)

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори*

## Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари ТЎҒРИСИДА

***Олий Мажлиснинг 2001 йил 6 декабрдаги 306-II-сон қарорида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб — қувватлашни кучайтириш тўғрисида" 2002 йил 25 январдаги ПФ-3017-сон Фармонида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

1. Белгилаб қўйилсинки, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб кам таъминланган оилаларга мансуб бошланғич синфларнинг ўқувчилари билан бир қаторда, шунингдек юқори синфларнинг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчилари ҳам бепул қишки кийим-бош тўплами билан таъминланади.

2. Умумтаълим мактабларининг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларини кутубхона фондидан дарсликлар тўплами билан ҳар йили бепул таъминлаш жорий этилсин, бунда 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларнинг камида 75 фоизини, 2003 йил 1 сентябрдан бошлаб эса — кам таъминланган оилаларга мансуб

(Давоми 2-бетда)

# ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ КЎРИНИШИ

***Мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиёт йўли, давлат ва жамият ҳаётидаги ислоҳотлар янада жадаллашувининг муҳим омили бўлган икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартиришга бағишланган референдум юртимизда юксак уюшқоқлик билан ўтди. Бу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирнинг барча демократик тамойилларга мос, эркин овоз бериш йўли билан ўтгани мамлакатимизда демократия тобора мустаҳкамланиб бораётганининг яна бир намойиши бўлди.***

*27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов барча ватандошларимиз каби референдумда иштирок этди.*

*Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги 648-референдум участкасида овоз берди.*

*Шу ернинг ўзида Ислом Каримов маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида бундай муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирлар ҳар қандай давлат ва жамиятни демократлаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.*

*— Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари мазкур референдумнинг мазмун-моҳияти, унинг давлат ва жамият ўзгаришидаги аҳамияти тўғрисида халқимизга етарли даражада маълумотлар берди, — деди Президентимиз. — Референдумга қўйилган масалаларнинг турмушимизда амалий натижаларини топиши сиёсий ҳаётимизни янада эркинлаштириш йўлида салмоқли қадам бўлади. Бу тадбир давлатни бошқариш, сиёсий тизимни такомиллаштиришда муҳим омилдир.*

*Референдум қонунчилик тизимимизнинг ўзгаришига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Аввало, янги қонунлар қабул қилиш, қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилади, парламентнинг роли ва ваколатлари кучаяди. Юқори ва қуйи палаталарнинг вужудга келиши билан кучли қонунчилик ҳокимияти шаклланади.*

*Айтиш жоизки, қуйи палатамиз доимий ишлайдиган бўлади. Бу эса қонунчиликнинг янги босқичга кўтарилишига олиб келади ва ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги ислоҳотлар жараёнига ижобий таъсир этади.*

*Президентимиз юқори палатанинг мамлакатимиз учун катта аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратди.*

*— Биз тузмоқчи бўлаётган юқори палата ўз зиммасига анча-мунча ваколатларни олади, — деди давлатимиз раҳбари. — Жумладан, ижроия ҳокимияти кўпгина масалаларда айнан юқори палата олдида ҳисобот берадиган бўлади. Менимча, Президентнинг баъзи ваколатларини ҳам шу палатага бериш зарур. Биз бу палата ривожланган Ғарб мамлакатларидагига ўхшаш бўлишига ҳаракат қиламиз.*

*Бугун мамлакатимизда ўтаётган мазкур тадбирнинг ўзи демократиянинг бир кўринишидир. Бироқ Ўзбекистондаги демократияга нисбатан турли фикрлар билдираётганлар уни Европа ёки Америка демократиясига қиёслаб эмас, балки бизнинг демократияга эришиш йўлидаги динамикамизга қараб баҳоласа, тўғрироқ бўларди. Бу жараёнда умуминсоний ва демократик қадриятларни четлаб ўтмаган ҳолда, кўп асрлик миллий ўзлигимизни ҳам унутмаслигимиз муҳим аҳамият касб этади.*

*Ислом Каримов референдумнинг ижобий натижалари мамлакатимиз сиёсий ҳаётини тубдан ўзгартиришини таъкидлади ва журналистларни қизиқтирган бошқа кўпгина саволларга жавоб қайтарди.*

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**





*27 январь куни мамлакатимизда катта ижтимоий-сиёсий воқеа — Икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат мудатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалаларига бағишланган референдум бўлиб ўтди. Унда юртимиз фуқаролари фаол иштирок этдилар.*

*Айниқса, бу кун Самарқанд вилоятининг Самарқанд тумани аҳли учун ҳам унутилмас дақиқаларга айланди десак, муболаға бўлмас. Тумандаги 62 та референдум участкаларида 131 минг 313 нафар фуқаро ўз хоҳиш-истакларини билдирдилар.*

*Шунингдек, Юнусобод туманидаги 522-референдум участкасида "Фирдавсий", "Ғир-ғир тепа", "Мингўрик", "Бодомзор" маҳаллалари аҳолиси овоз бердилар.*

***Суратда: 1.Самарқанд туманидаги 596-"Ўзбеккент" референдум участкасида: кекса отахон Муллатопилди Раҳмонов ва илк бор овоз бераётган Нилуфар Маҳмудованинг қувончи чексиз.***

***2.Юнусобод туманидаги 522-референдум участкасида овоз бериш жараёнидан лавҳа.***

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) ва Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

● «Сиз Конституцияни биласизми?» танлов якунланди

● Хўжалик раҳбари — «Халқ таълими аълочиси»

*2-бет*

● Европанинг шом юлдузи.

● Фридрих Нитше — Тафаккур ва хаёлот сеҳргари

*3-бет*

● Танишинг: «Йил мактаби — 2001 кўрик-танлови иштирокчилари

*4-бет*

● Дарслик ёзиш масъулияти

● Go'zal yurtning o'ziga xos, o'ziga mos qiyofasi

*5-бет*

Яқин шарқ воқеаларига бир назар

*6-бет*

Қўнғироқ чалингунча

шеърлар, ҳикоялар, кроссворд

*8-бет*

## СЎНГГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ




### БАЙРАМ ТАБРИГИ

**"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг ташкил этилганлигига 10 йил тўлиши муносабати билан ушбу компания жамоасига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов самимий миннатдорчилик, эзгу тилаклар битилган ўз табригини йўллади.**

### БИРИНЧИ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИС

**Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё мамлакатлари бўйича ўринбосари Элизабет Жоунс ҳамда АҚШ мудофаа вазири ёрдамчисининг Евроосиё мамлакатлари бўйича ўринбосари Мира Рикардел раҳбарлигидаги делегация иштирокида хавфсизлик борасида ҳамкорлик масалаларига бағишланган биринчи Ўзбекистон — АҚШ кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.**

### ФАРМОН

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 10 йиллиги муносабати билан фуқаро авиацияси ходимларидан бир гуруҳи "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими" фахрий унвони, "Меҳнат шуҳрати", "Дўстлик" ордени ҳамда "Шуҳрат" медали билан тақдирланишди.**

## КЕКСА ОЛИМЛАРГА ЭҲТИРОМ

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига "Қарияларни қадрлаш йили" муносабати билан таълим соҳасида узоқ йиллар ишлаган ва ишлаб келаётган ёши улуғ профессор-ўқитувчилар таклиф қилинди. Вазир С.Ғуломов йиғилганларни табриклаб, "Қарияларни қадрлаш йили" Давлат дастури тўғрисида ахборот берди. Бу борадаги белгиланган вазифа ва таклифлар уларнинг ўзлари иштирокида муҳокама қилинди. Учрашувга таклиф этилган йирик олимлар ўқитиш жараёнини такомиллаштириш мақсадига қаратилган таклифлар билдиришди.*

*Учрашув сўнгида тадбир иштирокчиларига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг эсдалик совғалари топширилди, ҳамда тегишли миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари берилди.*

**Фаррух БЎТАЕВ**

## Ўқитувчи ён дафтарига



### ҚУШЛАР ПАРВОЗИНИ КУЗАТИБ...

**Ҳаводан оғирроқ бўлган учар мосламаларнинг илк ихтирочилари сафида немис муҳандиси Отто Лилиенталнинг номи ҳам қайд этилади. Бу олим қушлар, хусусан, лайлаклар парвозини кузатиб, ўзининг илк содда планерини яратган. 2000 га яқин синов ўтказган олим, афсуски, ўз ихтиросининг қурбонига айланган — 1896 йилда мопланни синаётганда ҳалок бўлган.**

### СИЗ ҚАНДАЙ КУЛАСИЗ?

**Тиниб-тинчимас мутахассислар инсон кулгуси ҳам унинг характеридан дарак беришини таъкидлайдилар. Маълум бўлишича, кулаётиб жимжилоғини лабига теккизиб қўядиганлар — яхши хулқли кишилар, оғзини кафти билан бекитиб куладиганлар — журъатсиз, бошини орқага ташлаб кулувчилар — ишонувчан ва бағрикенг, бурнини жийириб куладиганлар эса, таъсирчан ва инжиқ кишилардир.**

### ТИШЛАРНИ ЎСТИРСА БЎЛАДИ

**Япониялик шифокорлар тушган тиш ўрнига янгисини ўстириш йўлини топдилар. Тажриба тишсиз қолган ит ва маймунларда синаб кўрилди ва яхши натижага эришилди. Янги усулнинг моҳияти эски тиш тушиб кетгандан кейин милкларни алоҳида генларга тўйинтирилган модда билан парвариш этишдан иборат.**

### УЙҚУ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**Тиббиёт ходимларининг фикрича, уйқуга эрта ётиб, вақтли уйғониш соғлиқ учун кони фойда. Кеч соат 9 да ухлаб, эрталаб соат 4-5 ларда уйғонишга одатланган кишилар ўз саломатлигидан шикоят қилмас эканлар. Жумладан, тунги бедорлик голландиялик олимлар хулосасича, одамнинг қон томирларига шикаст етказади.**

# МАКТАБДА "PENTIUM – III" КОМПЬЮТЕРЛАРИ

Бугунги кунда тобора оммалашиб бораётган компьютерларга талаб ортиб бормоқда. Шу сабабли, компьютерлар айни вақтда болалар боғчаларига ҳам кириб бормоқда. Республикамиздаги барча мактабларда эса ўқувчиларга компьютер сирлари ўргатилмоқда. Жумладан, Навоий туманидаги Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий номидаги 22-ўрта мактаб (раҳбари Аҳмад Ҳайдаров)да ҳам 2 та замонавий компьютерлар синфи мавжуд. Бугун мактаб ўқувчилари "Pentium — III" компьютерларида ишлашни ўрганмоқдалар. Уларнинг қизиқишлари, компьютер ичига тобора чуқурроқ кириб боришларининг самараси ўлароқ ҳар ойда билим масканида "Компьютер — шоу"си ўтказилади. Шунингдек, олимпиадаларда ҳам яхши натижаларга эришилмоқда. Яқин вақт ичида эса улар "Internet" тармоғига ҳам уланиш имконига эга бўладилар. 578 нафар ўқувчига эга 22-ўрта мактаб таълим-тарбияни юксак савияда ташкил этиш, илғор педагогик технологияларни жорий этиш борасида Навоий туманидаги бошқа мактаблардан алоҳида ажралиб туради. Мактабда иш мазмунининг кундан-кунга яхшиланишида 50 дан зиёд ўқитувчиларнинг ҳар бирининг ўзига хос ўрни, ҳиссалари бор.

Бугун миллий истиқлол ғоясини ёш авлод қалби ва онгига сингдиришга иқтидорли ўқитувчилар жалб этилган. "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанларини ўқитишда мустақиллик йилларида эришилган оламшумул воқеалар ва ютуқлардан, мамлакатимиз турмуш жабҳаларида юз бераётган янгиликлардан фойдаланилиши ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Етук инсонни тарбиялашда ҳуқуқ ва қонунларнинг ўрни беқиёс. Шу сабаб мазкур мактабда "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фанида ўқувчиларнинг ҳуқуқий билим савияларини оширишга алоҳида эътибор берилаяпти. Уларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўргатиш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари нимадан иборатлигини тушунтириш ишлари олиб борилади. Шу сабаб бўлса керак, мазкур билим маскани вакиллари ҳуқуқшунослик фани бўйича туман, вилоят фан олимпиадаларида яхши иштирок этиб келмоқдалар.

Ёшларнинг маънавий билимларини ошириш Ватанга бўлган муҳаббатларини янада шакллантириш мақсадида "Шу азиз Ватан барчамизники", "Ватаннинг келажаги — соғлом авлод қўлида", "Менга сўз беринг?" (Озод ва обод Ватан ҳақида эркин мунозара), "Конституция — бахтимиз пойдевори", "Огоҳликка даъват" каби тадбирлар ўтказилиб борилади.

Ўтган йили мактабни тамомлаган 43 нафар ўқувчининг 22 нафари олий, 6 нафари эса ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга кирдилар. Шунингдек, ўқувчиларнинг оилавий имкониятларидан келиб чиқиб репититорлик ташкил этилиши ҳам уларнинг ўқув юртларига киришларида ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида турли жабҳаларда меҳнат қилаётган тажрибали касб эгалари билан учрашувлар, корхоналарга саёҳатлар уюштирилмоқда.

Шунингдек, "Она ва бола" давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалиётга жорий этиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўқувчиларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, бошланғич тиббий хизмат кўрсатиш учун алоҳида хона ташкил этилган. Ўқувчилар ўртасида турли касалликларнинг олдини олиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш борасида суҳбатлар уюштирилади. Ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари мактабда "Саломатлик куни" деб белгиланди ва шу кунлари энг тоза синф хонаси аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарорига асосан, болаларнинг ривожланишида психологик-педагогик жиҳатдан ташхис қўйишда, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда амалиётчи-руҳшунос хизматлари белгилаб берилган. Мактабнинг амалиётчи-психологи Гулмира Шукурова 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлашда ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Тавсия этилган меъёрий ҳужжатлар, "Қизиқарли харита" асосида болалар билан машғулотлар ўтказилади. Бошланғич синф ўқитувчиси Малоҳат Омонова 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш машғулотларини қизиқарли ташкил этмоқда. Кичкинтойлар иштирокида "Ғунча" қўғирчоқ театри тузилиб, уларнинг оғзаки нутқлари ривожлантириб борилмоқда.



Ўқувчиларнинг соғлом, бақувват ўсишларида жисмоний тарбия фанининг ўқитилиши ва спорт тўгаракларининг ташкил этилиши кўнгилдагидек йўлга қўйилган. 2000 йилда волейбол бўйича мактаб жамоаси вилоятда 2-ўринни эгаллади. Яқинда ниҳоясига етган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларида ҳам яхши кўрсаткичларга эришилди.

Ҳозирда мактабда математика, кимё, инглиз тили, ўзбек тили ва адабиёти фанлари чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади. Бундан ташқари пуллик тўгараклар ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бу орқали ҳам қўшимча маблағ топиш имкони яратилган. Ўтган йилнинг ўзида 1 гектар ер майдонидан 3 тонна буғдой олинди. Бўш хоналарни ижарага бериш, мактаб устахонасида тайёрланган миллий ҳунармандчилик буюмларини сотиш йўли билан ҳам 750 минг сўмлик даромад қилинди. Шунингдек, Р.Исмоилов номидаги фермер хўжалиги ҳам яқиндан ёрдам бериб келаяпти. Буғдой, иссиқхона маҳсулотлари, узум ва турли мевалар, тол ва терак ўстириш, жиҳозлардан фойдаланиш, пуллик ўқитиш ва ҳомийлар кўмагидан тушган маблағлар энг аълочи ўқувчиларга стипендиялар бериш, мактаб биносини таъмирлаш, зарур жиҳозлар, дарсликлар сотиб олиш, хўжалик ва идора харажатлари, танловлар ўтказиш учун сарфланади. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга имкон қадар кўмак бериляпти. Юртбошимиз томонидан эълон қилинган "Қарияларни қадрлаш йили"да мазкур билим масканида фаолият кўрсатиб, ҳозирда қариялик гаштини сураётган фахрийларга алоҳида эътибор қаратиш режалаштирилган. Байрам кунлари уларнинг аҳволларидан хабар олиш, улар билан ўқувчилар орасида тез-тез учрашувлар ўтказиш кўзда тутилган.

# АҲИЛЛИКНИНГ САМАРАСИ

*Самарқанд шаҳар Темирйўл туманидаги 51-ўрта мактаб (раҳбари Р.Фельдкорен) 1965 йилда ташкил топган. Бугунги кунда мактабда 47 та синф мавжуд бўлиб, уларда 1672 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Мактабда ўзбек тилида таълим бериладиган синфлар 27 та бўлиб, ўқувчилар сони 945 нафар бўлса, рус тилида таълим бериладиган синфлар 20 та бўлиб, ўқувчилар сони 727 нафарни ташкил қилади. Мактабдаги 19 та синфнинг 697 нафар ўқувчиси олмон тилини чуқур ўрганмоқда.*

*Мактабдаги мавжуд 39 та ўқув-тажриба синфхоналарининг деярли барчаси замонавий техник-жиҳозлар билан таъминланганлиги ўқитувчиларнинг янги педагогик технология асосида машғулот олиб боришларида қўл келмоқда. Шунингдек, 800 ўринга мўлжалланган ностандарт спорт зали ва спорт майдончаси, 330 ўринли мажлислар зали, рақс хонаси, 60 ўринга мўлжалланган устахона, 100 ўринли ошхона мактаб жамоаси хизматида. 240 кв.метр майдонга эга бўлган лимонарий ҳам мавжуд.*

*Таълим муассасасида янги педагогик технологияларни жорий этишда илмий бўлим мудири Л.Морозова бошчилигидаги илмий-методик кенгаш фаолияти аҳамияти катта. 11 та кафедра фаолият кўрсатиб келаётган мактабда, айниқса, чет тили, психология-педагогика ва эстетика фанлари кафедраларида олиб борилаётган ишлар эътиборга моликдир. Математика ўқитувчиси Е.Наимова, расм-чизмачилик ўқитувчиси К.Юсупова, тарих ўқитувчиси В.Асабекова ҳамда немис тили ўқитувчиси Е.Губорь ўтказган ноанъанавий дарслар ўқувчиларнинг фаоллигини оширишга, уларга мустақил фикрлашни ўргатишга хизмат қилмоқда. Янги педагогик технологиялар дарс ишланмаларининг барчаси мактаб услубхонасида мужассамлаштирилган.*

*Кутубхона — нурхона, дейдилар. Мазкур мактаб кутубхонаси ҳам ҳар куни ўқитувчию ўқувчилар билан гавжум бўлади. Бугунги кунда кутубхона фондида 4245 та дарслик, 82 та ўқув-услубий, 1410 та бадиий ва 167 та сиёсий адабиётлар бор. Ўзбек синфларида таълим олаётган ўқувчилар 90 фоиз, рус синфларида таълим олаётган ўқувчилар 85 фоиз дарслик билан таъминланган.*

*Мактаб раҳбарияти томонидан II-VIII синф ўқувчиларининг Давлат таълим стандартлари асосида фанлар бўйича билим самарадорлигини аниқлаш мақсадида ёзма иш ва тест синовлари ўтказилди. Мазкур ўқув йилининг 1-чорак натижалари қуйидагича бўлди: она тили 96,8 фоиз, адабиёт 98 фоиз, математика 93,6 фоиз, тарих 96,5 фоиз, чет тили 91,8 фоиз, биология 98 фоиз, физика 95,8 фоиз, география 97,6 фоиз, кимё 92,4 фоиз.*

*Ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқишини орттириш, иқтидорли болаларни аниқлаш мақсадида мактабда ҳар йили фан олимпиадалари, турли спорт мусобақалари, кўрик-танловлар ўтказилади. Мактабнинг катта ютуқларидан бири ўқувчиларнинг туман, вилоят ва республика фан олимпиадаларида юқори ўринларни эгаллаб келаётганлигидир. Жумладан, 1998-99 ўқув йилида XI синф ўқувчиси Юлия Кривенкова немис тили фанидан Республика олимпиадасида совринли II ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.*

*Мактабда тарбиявий ишларга ҳам катта эътибор берилади. Турли саналарга бағишланган тадбирлар, анжуман, мусобақа ва болалар ижодиёти кўргазмалари ўтказилиши ўқувчилар қалбида келажакка бўлган ишончни юксалтирмоқда.*

*Мактабда Ватан тарихини тасвирловчи музей фаолият кўрсатаётганлиги ҳам диққатга сазоворки, синф тарбиявий соатлари, маънавий-маърифий дарслар шу жойда олиб борилади. Мактаб ўқувчиларининг туман, вилоят, республика ва халқаро спорт мусобақаларида эришаётган муваффақиятлари ҳақида ҳам айтиб ўтиш ўринлидир.*

*Мактабнинг хорижий мамлакатлар, ташкилотлар билан алоқаси ҳам кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Юртимиздаги Германия элчихонаси томонидан мактабга 510 та немис тили фани бўйича дарслик, 423 дона бадиий адабиёт, 110 та журнал ҳамда турли кўргазмали қуроллар, луғатлар, техника воситалари тақдим қилинди.*

*Ўқувчиларга таълим бераётган 75 нафар педагог-ходимларнинг (уларнинг 69 нафари олий маълумотли) икки нафари олмониялик ўқитувчилар эканлиги эътиборга лойиқ. Эльвира Зюльтман ва Вагнер Хайдрунлар ўқувчиларга немис тилидан дарс берадилар.*

*2001 йилнинг сентябрь, ноябрь ойларида мактабнинг уч нафар, 2002 йилнинг январь ойида яна бир немис тили ўқитувчиси ГФРга ўқишга юборилди. Бир ўқитувчи эса Тошкентдаги Гёте институтининг мультипликаторлар курсини ўтади.*

*Мактаб тумандаги бир қатор маҳаллалар билан ҳам доимий алоқада иш олиб бормоқда. Маҳалла фаоллари мактаб мажлис ва йиғилишларига таклиф қилиниб, хулқи оғир бўлган ўқувчиларни қайта тарбиялашда яқиндан ёрдам бермоқдалар.*

*Хулоса қилиб айтганда, мазкур мактаб ҳаёти ва фаолияти мамлакатимиздаги бу каби илм масканларидан бир қараганда фарқ қилмайди. Бироқ бу илм даргоҳидаги айрим жараён ва натижалар қизиқарли, ибрат бўла олиши билан ажралиб туради. Бу эса мактаб жамоасининг аҳиллик билан иш юритиши самарасидир.*

# МОНИТОРИНГ – КЎЗГУ

Янгиер шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 4-мактаб шаҳар марказида жойлашган. У замонавий типдаги 2 та бинодан иборат. Мактаб биносининг 1-корпуси (730 ўринли) 1974 йилда, 2-корпуси (640 ўринли) эса 1984 йилда қурилган.

Мактабда 38 та фан хоналари, спорт зал, мажлислар зали, 120 ўринга мўлжалланган ошхона, тиббиёт ва тиш даволаш хоналари, металлга ҳамда тахтага ишлов бериш, тикувчилик (2 та) устахоналари, лингофон билан жиҳозланган хорижий тиллар хонаси, психологик хизмат кўрсатиш, "Маънавият ва маърифат" хонаси, спорт майдони ва ҳарбий майдонча мавжуд бўлиб, улардан таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш ва машғулотларни ўтказишда фойдаланиб келинмоқда.

Мактабда 881 нафар ўқувчига 45 нафар педагог таълим бериб келмоқда, шундан 35 нафари олий маълумотли, 3 нафари тўлиқсиз олий маълумотли, 7 нафари эса ўрта махсус маълумотли педагоглардир.

Ўтган йиллар давомида педагог ходимларнинг таркибини сақлаш ва қайта тайёрлаш борасида аниқ ишлар амалга оширилди. 2000-2001 ўқув йилида 13 нафар ўқитувчи малака ошириб, қайта тайёргарликдан ўтиб келдилар. Юз фоиз педагог ходимлар янги алифбога асосланган курсни тугаллаганлар. Мактабда "Ота-оналар университети", "Нафосат" қизлар клуби, "Илғор тажриба мактаби", "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилоти, "Ўсмирлар" ташкилоти мунтазам ишлаб турибди.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг тарбиясига қўйиладиган талаблар асосида 6-7 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш "Якшанбалик мактаби" курсларига жалб этилиб, сўнг мактабга қабул қилинмоқда. Илм масканининг 1—9-синф ўқувчилари барча фанлардан янги дастурда таълим олишмоқда. ДТС талаблари асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари тест синовлари ёрдамида аниқланмоқда. Мактаб иш режаси бўйича ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш, ДТС асосида ўқув жараёни мониторинги киритилган бўлиб, улар ишлаб чиқариш йиғилишларида, педагогик кенгашларда кўриб борилаётир. Асосийси, ҳар бир фан ўқитувчилари томонидан тест банклари ташкил этилган, улар синфлар кесимида, назоратлар асосида ажратиб кўрсатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мактабда ноаънавий очиқ дарслар мунтазам ўтказилмоқда. Ўқитувчилардан Л.Муҳиддинова, Н.Постникова, М.Отахонова, А.Отажонова, Р.Юсупова, С.Язданқулова, Д.Миршаева, Е.Ли, Х.Азизбоева, Г.Бердиевалар очиқ дарсларини янгиликлар асосида ташкил этиб, ижодкорлик ва изланувчанлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Мониторинг хонасида ДТС талабларининг бажарилиши синфлар, фанлар кесимида таҳлил қилиб борилмоқда, олимпиада, спорт мусобақалари ва бошқа кўрик-танловлар якунлари, ўқитувчилар фаолияти, мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги ишлари тасвирий ойналарда акс эттирилмоқда.



Бугунги кунда илм масканида ўқувчиларни касбга йўналтириш бўйича, шунингдек, синф ва синфдан ташқари ишлар яхши йўлга қўйилган, мактабнинг қарийб 439 нафар ўқувчиси турли тўгаракларда иштирок этадилар. Кейинги уч йил мобайнида мактабнинг 6 нафар ўқувчиси "Иқтидорли ёшлар слёти"нинг республика босқичи иштирокчилари бўлишди ва улар вазирликнинг диплом ва совғалари билан тақдирландилар. Бундан ташқари, мактаб ўқувчилари мактаблараро, шаҳар, вилоят фан олимпиадаларида фаол қатнашмоқдалар. Қисқаси, Янгиердаги 4-умумий ўрта таълим мактабида кенг миқёсда мониторинг олиб борилиши жамоа масъулиятини янада оширишда, ўқув-тарбия сифатининг яхшиланишида, ўқитувчиларни изланувчанликка, ижодкорликка бошлашда муҳим омил бўлаётир.

# БИТИРУВЧИЛАРНИНГ 76 ФОИЗИ — ИНСТИТУТ ТАЛАБАЛАРИ

**Наманганда ўтказилган "Йил мактаби-2001" вилоят кўрик-танловида Давлатобод туманидаги Алишер Навоий номли 58-ихтисослаштирилган мактаби (раҳбари Орзигул Ҳакимова) ғолиб чиқди. Мактаб 1991 йилда ташкил этилган. Биноси 1020 ўринга мўлжалланиб, замонавий усулда қурилган. 1995 йилдан эса мактабга Давлатобод тумани ҳокими қарори билан ихтисослаштирилган мактаб, деб мақом берилган. Шу боис Наманган шаҳар ҳудудидаги ўқув муассасаларидан иқтидорли ўқувчилар танлов асосида қабул қилинадиган бўлди. Ҳозирда илм даргоҳидаги 945 нафар ўқувчига 49 нафар олий маълумотли, 3 нафар ўрта махсус маълумотли ўқитувчи таълим-тарбия бераётир. Булардан 2 нафари "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвони, 6 нафари "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони соҳибларидир.**

**Келажак авлодни етук, маънавий баркамол қилиб тарбиялаш учун муассасада барча шарт-шароитлар етарли, 37 та фан хоналари, 2 та спортзал ва футбол майдони, 2 та баскетбол, волейбол, соғломлаштириш майдончалари, ошхона, мажлислар зали, мониторинг, маънавият-маърифат, ҳуқуқий билимларни тарғибот этиш хоналари, психолог кабинети, стоматология ва тиббиёт хоналари ўқувчилар хизматида. 2001 йилдан бошлаб муассаса қошида "Миллий кураш"га ихтисослаштирилган спорт мактаби фаолият кўрсата бошлади.**

**Ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш учун мактабда 41 та ҳар хил фан тўгараги ва секциялар мавжуд ва уларга 830 ўқувчи жалб қилинган, бу ўқувчилар умумий сонининг 84 фоизини ташкил этади. 220 нафар ўқувчи мактабдан ташқари тўгарак ва секцияларга қатнашмоқда. Шунингдек, мактабдаги "Фидокорлар", "Баҳс", "Спорт", "Ватанпарвар", "Ёш иқтисодчилар", "Ёш китобсеварлар", "Ҳуқуқий билимларни ўрганиш" клублари ҳам ўғил-қизлар онгини ўстиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.**

**Моҳир ўқитувчилардан А.Аҳмедова, Х.Бадалова, Д.Ўрмонова, Т.Турсунова, М.Абдулҳафизова, Х.Қурбонова, О.Давиденко, Н.Матвеева ва бошқалар дарсларини ноанъанавий усулларда олиб бормоқдалар. Қатор дарсларда, тарбиявий соатларда ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисидаги билимлар, қонунбузарлик, ҳуқуқбузарлик нималарга олиб келиши, экстремизм ва фундаментализм оқибатлари ва аввало, унинг ўзига, жамиятга салбий таъсир этиши тўғрисида тушунчалар бериб борилаётир. Ота-оналар йиғилишларида, ички ишлар, прокуратура вакиллари билан бўлган учрашувларда ҳам бу мавзу бўйича атрофлича тушунтиришлар берилаяпти.**

**Муҳими, мактаб алоҳида ҳисоб рақамига эга. Шу боис илм масканининг моддий техника базаси кундан-кунга мустаҳкамланмоқда. Масалан, шу ўқув йилининг ўзида ота-оналар, тадбиркорлар ёрдамида 500 минг сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди, 2888000 сўмлик китоб ва ўқув қуроллари, 100 минг сўмлик спорт анжомлари олинди. 2001 йилда барча синфлардаги парта, стуллар, синф доскалари янгиланди. Бу мақсадлар учун 18 миллион сўм сарфланди. Ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида мактабдаги информатика хонасига "Самсунг" русумли компьютер комплекти ўрнатилди.**

**Мактаб ўқувчилари эса ўзларига қаратилаётган бундай эътиборга, яратилган шарт-шароитларга муносиб жавоб қайтариш мақсадида чуқур изланмоқдалар ва айтиш жоизки, улар қаторасига фан олимпиадаларида муваффақиятларга эриша бошладилар. Масалан, 2001 йил вилоят фан олимпиадасида 8 ўқувчи қатнашиб, шулардан 1 нафари 1-ўрин, 5 нафари эса иккинчи ва учинчи ўринни эгалладилар. Дарвоқе, 2000-2001-ўқув йилида 11-синфни 17 ўқувчи битирган бўлса, улардан 12 нафари олий ўқув юртлари талабалари бўлишди. Бу мактаб битирувчиларининг 76 фоизи ўқишга кирди, демакдир.**

# ЎҚИТУВЧИЛИК КАСБИНИ ТАНЛАГАНЛАР КЎП

Сурхон воҳасининг Қумқўрғон шаҳрида жойлашган 3-умумий ўрта таълим мактаби (раҳбари Ф.Мирзаев)да бугун 824 нафар ўқувчи ўзбек тилида, 202 нафари эса рус тилида таълим олмоқда.

Таълим муассасаси фаолиятини мақсадли ташкил этиш ҳамда ўқувчиларнинг ўз хоҳиш-иродаси, имкониятларини ўрганиш, уларни касбга йўналтириш ниятида ўқувчилар ўртасида ўтказилган сўровномага кўра, улардан 104 нафари ўқитувчилик касбини, 57 нафари шифокорликни, 55 нафари чеварликни, яна 55 ўқувчи спорт соҳасини, 50 нафари ҳисобчиликни, 39 нафари журналистикани, 28 нафари ҳуқуқшуносликни, 27 нафари таржимонликни ва бошқалари иқтисодчи, рассом, дурадгор, қурувчилик касбларини танлашган.

Ўқитувчилар жамоаси эса уларни ана шу ўзлари хоҳлаган, қизиққан соҳаларининг етук кадрлари бўлиб етишишлари учун имкон қадар барча шароитларни яратиб бермоқдалар. Бу йўлда ўқувчиларнинг билим савияларини Давлат таълим стандартлари даражасига етказиш мақсадида янги педагогик технология, ноанъанавий ўқув дарсларидан фойдаланилмоқда. Шунингдек, ўқувчилар учун ёш математик, ёш адабиётчи, ҳуқуқшунос, кимёгар, физик, эколог каби 30 га яқин тўгараклар ишлаб турибди. Улар орқали эса болалар ўзлари танлаган касблари борасидаги илк тушунчаларни, ўша соҳанинг жамият ҳаётида эҳтиёжмандлиги борасида ахборотга эга бўладилар. Бундан ташқари, "Соғлом авлод" давлат дастури бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, синфлараро спорт мусобақаларини ўтказиш ва ғолибларни рағбатлантириш, "Соғлом турмуш тарзи — соғлом келажак" мавзусида давра суҳбатлари, бадиий кечалар, учрашувлар ўтказиш, ҳар бир синфда "Соғлом авлод" бурчагини ташкил этилиши бугун тўла ўзини оқламоқда. Шунингдек, 10—11-синфлар ўқувчилари ўртасида "Эрта ва қариндош-уруғлараро никоҳнинг олдини олиш", Соғлом оилани шакллантириш" бўйича суҳбатлар уюштириб келинмоқда.

Барча ишларнинг ечими маблағ масаласига бориб тақалишини тушуниб етган мактаб раҳбарияти қўшимча маблағ топишни ҳам яхши йўлга қўйган. Биргина ўтган йилнинг ўзида мактаб томорқасидан 755 минг сўмлик, пуллик хизмат туридан 60 минг, қўшимча ер участкасидан 50 минг сўмлик соф даромад олинди. Шунингдек, келгуси мақсадлар йўлида 25000 дона терак ва 5000 дона мевали дарахтлар кўчатлари парвариш қилинмоқда. Бундан ташқари бўш, фойдаланилмаётган хоналарни, спорт залини ижарага бериш, пуллик тўгараклар ташкил этиш ҳам мактаб маблағининг оширилишига ҳисса қўшмоқда. Айниқса, "Сурхонтекстил" акционерлик жамияти, "Сиёвуш" фирмаси каби ҳомий ташкилотлар кўп фарзандли, боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандларини бепул ўқув дарсликлари ва кийим-кечаклар билан таъминлашда, мактабни таъмирлаш ва керакли жиҳозларни сотиб олишда яқиндан кўмак беришаяпти. Ҳафтанинг ҳар пайшанба кунида эса ҳафталик ўқувчилар йиғилиши ўтказилиб, унда уларни қийнаётган муаммолар, масалалар атрофлича муҳокама этилиб, ҳал қилинади.

Бугун ўз фаолиятини "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари" асосида олиб бораётган 3-ўрта мактабда Мониторинг хонаси аъло даражада жиҳозланган. Хонадан ҳар бир ўқувчининг дарсларни ўзлаштириш бўйича рейтинг кўрсаткичлари, ўқитувчилар ойнаси, жумладан, уларнинг курсгача ва курсдан кейинги мавзулари ҳақида манбалар, А.Умаров, З.Зоиров каби илғор ўқитувчиларнинг тажрибаларини оммалаштириш бўйича стендлар жой олган.

Маънавий-маърифий ишлар ҳам кўнгилдагидек. Ёш авлод онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, уларда Ватанга, ота-онага бўлган муҳаббатларини шакллантириш борасида вилоятдаги таниқли кишилар, халққа ўрнак бўлаётган қария отахон ва онахонлар билан учрашувлар ўтказилмоқда. "Ўзбекистон Ватаним маним" қўшиқ танлови, "Гуллар ва қушлар байрами", "Алпомиш — ўзбек халқининг баҳодир ўғлони", "Яшил чироқ", "Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш" бўйича илмий-амалий семинарлар, "Мен — Ўзбекистон фуқаросиман" каби иншолар ва кўрик-танловлар ташкил этиб борилади.

Бошланғич синф ўқитувчиси Зиёда Гузарова Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим мактабларининг "Одобнома" ўқув фанларидан замон талабига жавоб берадиган ўқув дастурлари ва дарсликлари яратиш танловида ўзининг дарслик намунаси билан қатнашди... Хуллас жамоадаги ижодий муҳит муваффақиятлар калити бўлиб қолмоқда.

# ДАРСЛИК ЯРАТИШ МАСЪУЛИЯТИ

*Munosabat*

*Таълим муассасаларида нимани ва қандай ўқитиш муаммоси туради. Нимани ўқитиш масаласи айнан ўқув адабиётлари билан боғлиқ бўлиб, бунга Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат Матбуот Қўмитаси ҳамкорлигида «Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси» лойиҳасининг яратилиши янада ойдинлик киритади.*

*Истиқлол йилларида умумтаълим фанлари бўйича дастур ва дарсликлар мазмунини тубдан яхшилашга киришилди. Танлов асосида дастур ва дарсликларнинг муқобилларини яратишга эришдик. Миллий дастур талабларига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сонли қарори ушбу жараённи изчил ташкил этишни белгилаб берди.*

*ДТС асосида ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш даврида ўз-ўзидан муаллифлар гуруҳининг ҳам янги авлоди пайдо бўлди. Биламизки, китоб ёзиш йўл-йўриқларини ўргатувчи махсус ўқув маскани йўқ. Китоблар кўп йиллик кузатишлар, тажриба, соҳавий билим ва мавжуд адабиётларга таянган ҳолда ҳамкорликда, баъзан якка муаллифликда яратилади. Дарсликлар яратиш масаласи яна ҳам мураккаб, ўзига хос жараён бўлиб, қатъий мезон ва тамойилларга риоя этилишини талаб қилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ўқув адабиётларини яратиш механизмида, аниқ тамойилларга риоя этишда бир қадар қийинчилик ва тушунмовчиликлар юзага келаётган бир пайтда мазкур концепция бу жараённи янада тўғри изга туширишга хизмат қилади.*

*Йиллар давомида аниқ ечимини топмаган масалалардан бири бу дарсликларнинг ҳажмидир. Концепция лойиҳасининг ўқув адабиётларига қўйиладиган талабларида билим олувчиларнинг ёши ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олиш алоҳида банд сифатида берилган экан, бу бевосита дарслик ҳажми билан боғлиқ масаладир. Ўйлаймизки, бундан кейин яратиладиган янги авлод дарсликларида мазкур талаблар ўз ижросини топади.*

*Концепцияда муттасил равишда мазмуни ўзгарувчан фанлар (тарих, адабиёт, иқтисодий география) бўйича ўқув адабиётларининг қандай шаклларини яратиш йўллари ҳам белгилаб берилган.*

*Ўқув адабиётларининг мазмуни ўқувчи ва талабаларда, авваламбор, мустақил ва эркин фикрлаш, мустақил таълим олиш учун зарур билимларни турли адабиётлардан излаб топиш ва билимлар заҳирасини босқичма-босқич мукаммаллаштириб бориш кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилади, дейилади лойиҳада. Бу фикр замонавий таълимнинг энг муҳим жиҳати ёҳуд талаби сифатида баҳоланиши мумкин.*

*Қуйида Республика Таълим Маркази бўлимларининг ушбу лойиҳага муносабатлари билан танишасиз.*

## ИЖТИМОИЙ БИЛИМЛАР

*Эълон қилинган концепция ижтимоий (тарих, ҳуқуқ, иқтисод) фанлар йўналишида ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишда қатор вазифаларни белгилайди. Шунингдек, ушбу фанлар бўйича дарслик, қўлланма яратаётган муаллифлар гуруҳи учун маълум меъёр ва талабларга амал қилиш дастури вазифасини ҳам ўтайди.*

*Концепцияда шу кунгача яратилган ва келажакда яратилиши керак бўлган ўқув адабиётларининг турлари ва шакллари баён қилинган. Уларга кўра, дарслик, ўқув қўлланмаси, методик қўлланма каби адабиётларнинг турлари мавжуд эди. Лекин ҳали ижтимоий йўналишдаги фанлар бўйича луғат, изоҳли луғат, маълумотлар тўплами, энциклопедиялар, электрон ўқув адабиётлари деярли яратилмаган.*

*Мазкур концепция келажакда ижтимоий фанлар бўйича аниқ йўналишли ва маълум синфларга мўлжалланган ўқув адабиётларини яратишда аниқ вазифаларни кўрсатиб беради, деб ўйлаймиз.*

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

*Болаларнинг эҳтиёжларига кўра, турли йўналишда ҳам кўргазмали, ҳам тарқатмали ўйинларнинг чоп этилиши мақсадга мувофиқдир. Кўргазмали қуроллар, концепцияда таъкидланганидек, ҳам гигиеник, ҳам дидактик талабларга жавоб бериб, каттароқ ҳажмда, аниқ, рангли тарзда чоп этилиши керак.*

*Мақсадимиз мустақил фикрловчи ёш авлодни тарбиялаш экан, улар тафаккурини ривожлантирувчи, мантиқий фикрлашга ундовчи, турли вазиятда фойдаланишга қулай бўлган (стол устида, ер сатҳида, фазода) ақлий ўйинлар мажмуини яратиш лозим. Қарийб 80 фоиз болалар оила муҳитида мактаб таълимига тайёрланади. Ота-оналарга турли таълим йўналишлари бўйича маълумотлар банки, методик кўрсатмалар берилиши зарур. Болалар учун турли рангли, расмли эртаклар, нутқий маданиятни шакллантиришда аудио, видео кассеталар ҳам керак.*

## МАХСУС ТАЪЛИМ БЎЛИМИ

*Соҳа бўйича яратилаётган дарсликларда алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг ёш ҳамда психофизиологик ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиш, мавзуларнинг оддий ва содда тилда, тушунарли баён этилиши, мустақил фикрлаш малакаларининг шаклланишига, иллюстрацияларга бойлиги муҳим роль ўйнайди.*

*Махсус таълим соҳаси бўйича чоп этилаётган ўқув адабиётлари муаллифларининг таркибини танлов асосида ташкил этиш тарафдоримиз. Кўзи ожизлар учун Брайл дарсликларини иллюстрация билан нашрдан чиқаришга эришилса, мақсадга мувофиқ бўларди.*

## БИОЛОГИЯ

*Дарсликларнинг интерактив усулда, назарий билимлар ҳажмини қисқароқ қилиб, бугунги талаб асосида ёзилишига эътибор бериш лозим. Ҳозирги кунда биология фанидан дарсликларга ўндан ортиқ қўшимча методик адабиётлар яратилди. Тест топшириқлари қўлланмалари, 5-6-синфлар учун «Зоология»дан кўргазмали қурол жадваллари яратилиб, амалиётда фойдаланилмоқда.*

*8- синф учун яратилган «Одам ва унинг саломатлиги» дарслиги, дастур талаби асосида кўргазмали қурол жадвали ҳамда 9-синфда биология («Цитология ва генетика асослари») дарслиги ДТС асосида чоп этилгандан сўнг, кўргазма қурол жадвали яратилади.*

## КИМЁ

*Кимё таълимининг мазмуни ва тизимини қайта қуришда буюк Шарқ мутафаккирлари ижодий мероси, аждодларимиз анъаналари, урф-одатларидаги ижобий хислатларни инобатга олиш, республикамиздаги кимё ва нокимёвий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти кенгроқ ёритилишига эришиш, кимё хоналарини зарурий реактивлар ва жиҳозлар билан таъминлашни тубдан яхшилаш, демонстрацион, лаборатория ва амалий ишлар бўйича тажрибаларни ўтказиш учун шароит яратиш лозим. Дарсликлар илмий,изчил, турмуш билан боғлиқ ҳолда кўргазмалиликка асосланиб ва бошқа дидактик принципларга мос ҳолда ихчам, содда, равон услубда ёзилиши керак.*

## ГЕОГРАФИЯ

*Концепциянинг «Ўқув адабиётларининг шакллари ва турлари» боби айниқса, география фанидан яратиладиган адабиётлар билан ишлашга имкон яратади. Йиллар давомида ўзгариб борадиган статистик материалларни ҳозирча фақат матн ҳолида дарсликларда баён этиш имкони бор. Кейинчалик эса электрон версияларда етказиш мумкин бўлади. Бу эса самарали билим беришнинг замонавий имконидир.*

## МУСИҚА

*Мусиқа таълимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш мақсадида амалиётда I-VII синфлар учун, унинг давоми сифатида VIII-IX- таянч синфлар учун ҳам унинг концепциясини, Давлат таълим стандарти, шунга асосланган махсус ўқув дастур ва қўлланма ёки дарслик яратилишини таклиф этамиз.*

## ДАВЛАТ ТИЛИ

*Концепцияда қайд этилган ўқув адабиётларига қўйиладиган умумий талаблар, айниқса, давлат тилига доир манбаларга ҳам тегишлидир. Ўтмишсиз келажак бўлмаганидек, ота-боболаримиздан бизга қолган улкан меросни ўрганмасдан, унинг қадр-қиммати ва аҳамиятини ёш авлод онгига сингдириб бормасдан туриб, маърифатли инсонни шакллантириб бўлмайди. Одобнома, ўзбек тили ва адабиёти дарсларида шунга эътибор бериш керакки, ўқувчи-ёшларни она Ватанни севишга, инсонпарварликка, одамийликка чорлаш, маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириб бориш, ёшларни мустақил фикрлашга ўргатиш, ижодкорликка жалб этиш муҳим аҳамият касб этади. Концепция лойиҳасида яратилажак дарсликларда ана шу жиҳатлар ўз ўрнини топиши кўрсатиб ўтилганки, буни қўллаб-қувватлаймиз.*

## ЧЕТ ТИЛЛАРИ БЎЛИМИ

*Ҳозирга қадар яратилган дарсликлар Миллий дастур ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талаби асосида яратилган. Тил грамматикаси, нутқ маданиятини эгаллаш ҳар бир ўқувчи учун муҳим. 5-9-синфлар дарслигидаги узвийлик грамматикани ўзлаштиришда ўзига хос роль ўйнайди.*

*«Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси» лойиҳаси тўла маънода чет тилларига ҳам тегишли деб биламиз. Концепция жадвалида кўрсатиб ўтилганидек, узлуксиз таълимнинг ҳар бир босқичи учун зарурий йўналишдаги ўқув адабиётлари яратилган бўлиши керак.*

# АЖДОДЛАРИМИЗ ЎГИТИ

**Маълумки, халқ оғзаки ижоди ва унинг таркибидаги жанрлар ўз вақтида, яъни ҳали технологик ривожланишлар бўлмаган пайтда оммавий ахборот вазифасини бажарган. Чунки худди биз каби аждодларимиз ҳам дунёда рўй бераётган воқеалар ҳақида хабардор бўлишга интилишган. Келажак авлод учун қайғуриш, уларга қимматли маълумотлар қолдириш ва ўзлари қилган хатоларни фарзандлари қайтармасликларини хоҳлаб, ҳали қалам пайдо бўлмасидан илгари оғзаки ижод орқали буюк мерослар қолдиришга ҳаракат қилишган.. Халқимизнинг “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Равшан” каби достонлари ана шундай мерослардан энг қимматлиларидир. Ушбу достонларнинг сермазмунлиги, образлар ўхшашлиги, насиҳатомуз жумлаларнинг ўринлилигидан улуғ аждодларимиз орзулари, мақсадларининг муштараклигига яна бир бор амин бўламиз.**

**“Алпомиш” достонини варақлар эканман, аждодларимизнинг пурмаъно ва содда услубда баён этган гўзал ижодидан баҳра оламан. Уни чуқурроқ англашга, таҳлил қилишга ҳаракат қиламан, ўзимча хулосалар чиқараман. Алпомишнинг Барчинойга етишиш учун чеккан жабрлари ва бутун қийинчиликларни енгиб кўрсатган жасорати мени лол қолдирса, ёрнинг хоҳишини деб отанинг розилигисиз йўлга равона бўлган Алпомишнинг ҳаракати мени ўйга толдиради ва у чеккан жабрларга отанинг ранжиши сабаб эмасмикин, деган ўй хаёлимга келади. Балки бу хулосаларни ёзаётган қалам ожизлик ва ёшлик қилаётганлиги учун ўйларим чалкашдир... Аммо ўйлаверaман, ҳайратланавераман.**

**Қалдирғочнинг Ҳакимбек (Алпомиш) акасига бўлган меҳри, ҳурмати халқимизнинг туғишганларига оқибатлилигидан далолат бўлса керак. Ахир “Онангни елкангда тутсанг, синглингни бошингда тут” каби ибратли мақоллар бежиз айтилмагандир. Қалдирғочнинг акасини мардликка, жасурликка ундаши сингилларнинг акага ҳар қандай вақтда меҳр кўрсатиб ёрдам беришидан далолатдир.**

**Алпомиш 41 сардори билан Сурхайил мастон фирибига учрайди. Назаримда, худди ана шу жойда боболаримиз кўп насиҳатларни айтаётгандек туюладилар. Беэътиборлик, манманлик, ўзига ортиқча ишонч туфайли минглаб эрларга бас кела оладиган Алпомишнинг зиндонбанд бўлиши ёки майнинг касофатими?..**

**Ушбу насиҳатларга, ибратли сатрларга чуқурроқ, қалб кўзимиз ила разм солсак, яъни уларнинг маъносини англашга ҳаракат қилсак, улкан ютуқларга эришган бўлармидик?.. Тарихимизни, бебаҳо меросларимизни қадрлашимиз лозим. Сиз нима дейсиз, азиз муштарийлар?**

**Машфират МУҚУМОВА,**
**ЎзМУ журналистика факультети 2-курс талабаси**

# АРАСТУНИНГ ШОГИРДИ ИСКАНДАРГА АЙТГАНЛАРИ

*Tarbiyaviy soatlarda*

*Иззат-обрўйим ошсин десанг, ҳеч қачон ноҳақ ишга қўл урма.*

***

*Ўз айбингни билишга интил, чунки айбли одам ҳар ерда ожиз бўлади. Ҳамма ерда фикр ва тадбир юзасидан иш тут, айбингдан огоҳ қилган кишиларга ғазаб қилма.*

***

*Сен қанчалик доно бўлмагин, ўзингни доно дея тасаввур қилма, шунда яна ҳам донороқ бўласан.*

***

*Нима билсанг, уни бошқаларга ўргат, аммо илмни ўз жойида ишлатишни бил.*

***

*Сўзни қисқа гапир, беҳуда такрор қилмагинки, такрор умрни беҳуда сарф қилишдир.*

***

*Кишининг гўзаллиги либосда эмас, балки тилидадир.*

***

*Ҳар нарсага адолат кўзи билан боқ, оқибат ҳақни ноҳақдан ажратишни ўрганасан.*

***

*Қанчалик мукаммал одам бўлмагин, барибир камтарона иш тут.*

***

*Сен гавҳаринг билан эмас, балки хислатинг билан кўкрак кер.*

**Саломатхон ҲАСАНОВА тайёрлади.**

# O'ZIGA XOS YURTNING, O'ZIGA MOS QIYOFASI

**ABDULAZIZXON** (1614—Balx—1681) — ashtarxoniylardan. Nadr Muhammadxonning katta o'g'li. 1626 yildan Xuttalon hokimi, 1630 yildan Balxning g'arbiy tumanlari hokimi. 1645 yildan Buxoro xoni Abdulazizxon markaziy hokimiyatni mustahkamlashga harakat qilgan, mamlakat obodinchiligiga birmuncha hissa qo'shgan. Buxoroda ko'pgina muhtasham binolar qurdirgan.

**ABDULAZIZXON MADRASASI** — Buxorodagi me'moriy yodgorlik. Qo'sh imorat ansamblning janubiy tomonida me'mor Mimxoqon ibn Xoja Muhammadamin tomonidan 1652 yilda qurilgan. Ulug'bek madrasasining (1419) qarshisida. Madrasa tuzilishi oddiy va hujralari ikki oshyonli. Chorsi hovlining har tarafi o'rtasida peshtoqli



ayvon bor. Umuman madrasa bezaklari yuksak san'at va mahorat bilan ishlangan. Katta peshtoq nafis va nodir koshinkori naqshlar bilan ziynatlangan. Islimiy naqshlar qatorida afsonaviy jonivorlar tasviri ham berilgan. Madrasa hujralari ayniqsa, janubiy ayvon peshtoqi turli- tuman naqshlar bilan bezatilgan. Gumbaz shipining ganchli muqarnaslari orasida islimiy naqshlar va zarhal bezagi bor. Hujra devorlarida tabiat manzaralari va imoratlar tasviri ham uchraydi. Naqshlar, asosan, moviy rang bo'yoqlar bilan chizilgan. Asosiy o'lchami; atrof aylanasi 50x67 m, hovli — 28x35 m. Madrasa 17-asr Buxoro mahobatli me'morchiligining etuk namunasidir. Madrasa asosan juz'iy ta'mirlar (peshtoq muqarnasini Usta Shirin Murodov ta'mirlagan) asosida tartibga keltirilgan. Hovlisida sayyohlar uchun milliy musiqa va folklor tomoshalari ko'rsatiladi. Shim. Sharqiy burchagidagi miyon saroyda Buxoro yog'och o'ymakorligi namunalaridan iborat ko'rgazma tashkil etilgan.

# «ТОМЧИ СУВДА ҲАЁТ ЖИЛВАСИ»

*Tanlov*




Сув — ҳаёт манбаи. Унинг тозалигини сақлаш, тежаб ишлатиш ҳар бир инсоннинг бурчи. Ушбу тушунчани ёшларимиз онгига сингдириш, сувга бўлган муносабатни яхшилаш, уларда атроф-муҳит ҳақидаги билимларни ривожлантириш, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш мақсадида “Томчи сувда ҳаёт жилваси” лойиҳаси асосида танлов эълон қилинди.

Хабарингиз бор, 2002 йилни БМТ Бош Ассамблеяси Халқаро экотуризм йили, деб эълон қилди. 22 март эса бутун дунёда сувни тежаш кунидир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, республика Таълим маркази томонидан кўрик-танлов ўтказиш режалаштирилган эди. Мазкур танлов лойиҳаси Осиё Ривожланиш Банки томонидан маблағ билан таъминланади.

*Яқинда РТМда ва сўнгра шаҳар “Экосан” халқаро жамғармаси биносида ушбу лойиҳанинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.* Унда республика халқ таълими вазирининг ўринбосари У.Мусаев, “Экосан” халқаро жамғармаси раиси Ю.Шодиметов, РТМ директори муовини Ҳ.Ҳакимжонов, Таълим марказининг экология ва саломатлик бўлими бошлиғи Г.Солиҳова, шунингдек, “Томчи сувда ҳаёт жилваси” номли ўқитувчилар ва ўқувчилар учун мўлжаллаб чиқарилган рисолалар муаллифи Э.Турдиқулов ва бошқалар иштирок этишди. Мазкур лойиҳада республикамиздаги 1000 та мактаб қатнашиши мўлжалланган. Тақдимотда экологик танлов қатнашчиларига тадқиқот дафтарлари, ўқитувчи ёки раҳбарга “Ўқитувчи қўлланмаси” ва плакатлар берилди. Қатнашувчилар танловда шу йилнинг 14 мартигача туман, 16 мартигача шаҳар, 21 мартигача эса республика босқичи ўтказилгунгача, икки ой мобайнида тадқиқот дафтаридаги 66 та вазифани бажарадилар.

“Ота-оналар учун саволлар”, “Ҳамма жойда сувни тежаш мумкин” мавзусидаги топшириқлар, ўтказиладиган тажрибалар ниҳоятда қизиқарлилиги билан эътиборга лойиқ. Ўқувчи “Томчи сувда ҳаёт жилваси” лойиҳасида қатнашиб, сув ва ундан фойдаланиш соҳасида катта тажрибага, республикада сув манбалари ҳақидаги маълумотга эга бўлади, сувдан тежамкорлиқ билан фойдаланиш, уни ифлос қилмаслик, ифлос сувнинг тирик организмларга қандай таъсир этиши сабабларини тушуниб олади. Асосийси, “Сен менинг олдимдан ўтаётганингда эътиборингни мендан дариғ тутма; менга ёрдам бер; кам сарфланай; тоза бўлай; дўст бўлайлик. Биргалашиб сайёрадаги ҳаётни сақлайлик” мазмунидаги сув нидосига бефарқ қарамайдилар.




**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
**“Маърифат” мухбири**

# ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

## ёхуд тарбия жараёнида ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ҳамкорлиги ҳақида

*Jarayon*

*Бугунги кунда сўлим Бахмал тумани маркази - Ўсмат шаҳарчасидаги энг кўркам бинолардан бири, шубҳасиз, Бахмал қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ҳисобланади. Коллеж биноси 2000 йилда қисқа муддат ичида янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган. Мана шундай замонавий иншоотларнинг ёш авлод учун барпо этилаётганлиги ҳам мамлакатимизда таълим-тарбия сохасига қаратилаётган юксак эътибордан далолатдир.*

*Айни пайтда, ушбу ўқув юрти 6 йўналишга мўлжалланган бўлиб, қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш бўйича уста, аграномия, бухгалтерия ҳисоби, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, чорва фермер хўжалигини ташкил қилиш, деҳқон фермер хўжалигини ташкил этиш каби соҳаларда кадрлар тайёрлаб беришга ихтисослашган.*

*Шундан 4 йўналиш бўйича ўтган ўқув йилида жами 71 нафар, 2001-2002 ўқув йилида эса, 4 та йўналиш бўйича 136 нафар ўқувчи қабул қилинди.*

*Ҳозирги кунда жами 207 ўқувчи 4 та мутахассислик бўйича таълим олмоқда.*

*Ўқув юртида жами 20 та ўқув хоналари мавжуд бўлиб, дарслар бир сменада ташкил этилган. Ўқув хоналари тўлиқ жиҳозланган.*

*Муассаса кутубхонасида 5200 нусхада 206 номда китоблар мавжуд.*

*Коллеж эҳтиёжи учун Бахмал тумани ҳокимлиги томонидан «Тараққиёт» хўжалигидан 20 гектар ер майдони ажратиб берилган ва ундан унумли фойдаланилмоқда.*

*Бу ерда, ўқувчиларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун 6 та фан ва 4 та спорт тўгараги фаолият кўрсатиб турибди.*

*Ўқувчилар маънавиятини шакллантириш, ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш мақсадида коллежда турли хил тадбирлар, танловлар, учрашув ва кечалар ўтказилмоқда.*

*Ҳар бир гуруҳларда фанлар бўйича очиқ дарслар ва тарбиявий соатлар уюштириш одат тусига кирган.*

*Хўш, бугунги кунда ёшларимиз, уларнинг тарбияси йўлида давлатимиз томонидан шунча ишлар қилинмоқда экан, бунга жавобан ёшларнинг фаоллиги ва ота-оналарнинг эътибори қай даражада.*

*Албатта, беш қўл баравар эмас. Илғор ва шижоатли ёшлар билан бир қаторда суст ҳаракатлилари ҳам орамизда учраб туради. Бу иккинчи тоифага кирувчи ўқувчиларга ота-оналарнинг эътиборини кучайтирмоқ зарур.*

*Бахмал қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида бўлганимизда ота-оналар мажлисига гувоҳ бўлдик. Таъкидлаш жоизки, кўпчилик ота-оналар мажлисга таклиф қилинган бўлишса-да, келишмаган. Демак, болалари тарбиясига беэътибор ёки вақт топа билмайдилар.*

*«Муассасамиз ташкил топганига икки йил бўлаяпти, - деди коллеж директори Сафар Маллаев. - Бизга илк қабул қилинган болаларнинг бўйи ҳозирга қадар яна 5-10 сантиметрга ўсганлигини кузатдим. Улар ҳар жиҳатдан ўсиш ёшида. Уларнинг тўғри ўсишлари учун эса, таълим-тарбия муассасалари билан ота-оналарнинг бирдай фаоллиги, эътибори зарур. Ахир, қарс икки қўлдан чиқади-ку!*

*Нима учун баъзи болалар дарсга кечикиб келади? Ёки дарсга келар экан, нима учун қўлида сумкаси, китоблари йўқ, қўйнида бир дафтар, бир ручка, холос? Эрталаб уйдан чиқаётган боласини ота-онаси нима учун тергамайди? Баъзи ўқувчилар нега дарсга кирмасдан билярдхоналарда ўқиш вақтини ўтказишлари керак? Нима учун уларни фақат ўқитувчилар тергаши керак, ахир тарбия фақатгина ўқитувчининг иши эмас-ку! Бу ота-оналарнинг ҳам бош мақсадига айланиши зарур. Ота-она болани доимий эътиборида ушлаши керак. Нима қилаяпсан, нималар ўргандинг, қаерда бўлдинг, бирор нима ўрганишинг учун сенга яна нималар керак, булар барчаси ота-оналарнинг ўз фарзандларидан сўраб туришлари керак бўлган саволлардир. Бола ҳозир икки томонлама назоратда бўлса, эрта бир кун улғайгач, биздан домангир бўлмайди, аксинча, ота-онасидан, ўқитувчисидан миннатдор бўлади».*

*Коллеж раҳбарининг жон койитиб айтган ушбу гаплари ота-оналарга таъсир этмасдан қолмади. Бундай йиғилишларга илк бор келганлар эса, авваллари эътиборсизлик қилганликларидан таассуф билдиришди. Улар хонадан чиқар эканлар, миннатдор нигоҳ билан бир гапни такрорладилар: «Раҳмат сизларга, домла!».*

*Коллежда бўлганимизда амалиётга тадбиқ этилаётган яна бир муҳим вазифани кузатдик. Коллеж қошида ЎМКҲТ Маркази томонидан ишлаб чиқилган режага асосан доимий малака ошириш йўлга қўйилибди. Махсус фанлар ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлик даражасини ошириш бўйича намунавий ўқув режа асосида коллежда «Маънавий ва маърифий тайёргарлик», «Компьютер тайёргарлиги», «Методик тайёргарлик», «Касбий тайёргарлик» фанларидан А.Эрназаров, А.Мавлонов, Х.Худойназаров, А.Равшанов, А.Товбоев сингари илғор ўқитувчилар ҳамкасбларига маърузалар ўқимоқдалар.*

*«Барча тадбирлардан кўзда тутилган мақсадимиз битта, - дейди муассаса раҳбари С.Маллаев, - ўқувчилар коллежга келар эканлар, улар фақат ва фақат билимдон, малакали ўқитувчиларга рўбарў бўлишлари керак».*

**И.БЎРИБОЕВ**

*Жорж Буш Афғонистонга ваъда қилинган 297 млн. доллардан ташқари, мамлакат инфраструктурасини тиклаш мақсадида хусусий инвестициялардан қўшимча 50 млн. доллар маблағ берилишини айтди.*

*Кўп бор таъкидланганидек, Исроилнинг ҳозирги раҳбарияти ён бермаслик йўлидан бормоқда. Бу ҳукумат ўз сиёсатида ҳарбий қудратни намойиш этиш ва шу йўл билан минтақада "тартиб ўрнатиш"ни мақсад қилган.*

# «ОРЗУЛАРИМ ПАРВОЗДА МЕНИНГ»

Insho

*2001 йилнинг январь ойида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг 10 йиллиги муносабати билан Республика радиосининг «Маърифат» бош муҳарририяти Халқ таълими вазирлиги ҳамда авиакомпания ҳамкорлигида «Орзуларим парвозда менинг» дея номланган мактаб ўқувчилари ўртасидаги иншолар радиотанловини ўтказиш таклифи билан чиққан эди. Ундан мақсад, ёш авлоднинг Ўзбекистон самолётсозлигидан қанчалик хабардор эканлигини аниқлаш, ҳаво йўлларимиз ҳақида қандай маълумотларга эга эканликларини ва шу соҳада хизмат қилган оддий ишчидан тортиб, учувчи-ю борт кузатувчи юртдошларимиз ҳақида тасаввурларини билиш эди.*

*Ўтган йилнинг декабрь ойида якунланган ушбу иншолар кўрик танловида республикамизнинг турли вилоят ва шаҳарларидан иншо-мактуб юборган ўқувчиларнинг ишлари сараланиб, 3 та асосий, 6 та рағбатлантирувчи ўрин белгиланди. Ва ниҳоят, улар Тошкент аэропортининг «Авиаходимлар клуби» биносида ҳомийларнинг қимматбаҳо мукофотлари билан тақдирланишди. Шу муносабат билан яқинда муҳарриятимизга келган иншоларни ўқир эканман, болаларимизнинг авиация соҳасини қанчалик билишга интилганликларидан қувондим...*

*Ўқувчиларнинг ижодий ишларини ўқиш жараёнида улар авиациямиздаги янгиликлар хусусида, бу соҳа фаолияти тарихи, бугуни ва эртасига жиддий ёндашганликларини англаймиз...*

*Ушбу иншолар радиотанловимизга келган ижодий ишлар орасида ўқувчиларимизнинг ҳақли эътирозлари ҳам борки, инсонни мулоҳазага чорлайди: «Одамзод ҳеч қачон эришган чўққиси билан кифояланмайди, деб ёзади Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 49-мактаб ўқувчиси Рухсора Шодмонова. — Уни хаёлот дунёси янги юксакликлар сари парвозга ундайверади. Коинот эса чексиз... Демак, парвознинг ниҳояси йўқ. Мен касб танлаш ҳақида баҳс бўлганида, негадир бирор-бир синфдошимнинг учувчи ёки космонавт бўламан, деганини эшитмаганман. Кўпчиликнинг орзуси кўпроқ даромад келтирадиган соҳа билан шуғулланишда. Майли, мен уларни танқид қилмоқчи эмасман. Эҳтимол, касб танлашда ҳам қандайдир миллий хусусиятлар таъсир этар, балки шунинг учун космик парвозларда ўзбек йигитларининг номлари кам учраётгандир... Бундай десам, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи ва бошқа алломаларимиз самовотни илм ила забт этган эдилар". Рухсоранинг сўзлари таъсирида ҳамкорларимиз билан аэропортга саёҳатга отландик. Самолётлар билан танишувни амалга оширдик. «Мен ҳеч қачон самолётда, ҳатто оддий йўловчи бўлиб ҳам парвоз этмаганман, — деди Рухсора ҳаяжонланиб. — Фақат АН русумли кичикроқ самолётни яқиндан кўрганман. Хайриятки, кино бор. Шуларда кўриб тураман».*

*Юқорида қайд қилганимиздек, аэропортга саёҳат давомида ўқувчилар беш хил русумдаги самолётлар билан таништирилди. Ўқувчилар учувчилар билан танишиб, уларнинг иш ўринларида ўтириб завқланганликларини кўриб ҳаракатларимиз зое кетмаганидан қувондик. Ўйлаймизки, бундай танловлар, ҳамкорликлар ўқувчилар савиясини оширади, билим даражасини бойитади ва албатта, орзулари парвозига йўл очади.*

**Саидахон ЗОКИРОВА,**
**Ўзбекистон радиоси «Маърифат» бош муҳарририяти катта муҳаррири**

# ҲАММА УЧУН ФОЙДАЛИ

Касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлик даражасини ошириш мақсадида яқинда Самарқанд шаҳридаги қатор коллежларда 1000 нафардан зиёд ўқитувчи доимий ҳаракатдаги малака ошириш дастури бўйича ташкил этилган ўқув машғулотларида қатнашдилар. Ўтган йилнинг 1 декабридан 25 декабригача компьютер саводхонлиги ва маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича 3000 нафардан зиёд ўқитувчилар машғулотларда иштирок этдилар.

Ҳаракатдаги малака оширишнинг мақсадини ёритиб бериш учун вилоят ЎМКҲТ бошқармаси бошлиғининг ўқув-услубий ишлар бўйича ўринбосари Ҳусан Насимовга мурожаат қилдик:

— Доимий ҳаракатдаги малака ошириш машғулотларини ўтказишдан мақсад — таълим мазмунига эътиборни кучайтиришдан иборат. Бундай малака ўқитувчининг қўшимча билим олиши ва изланиши учун муҳимдир. Чунки ўқитувчи ўз қўлига тайёр дарслик, китоб келиб тушишини кутса, кўп нарсани йўқотиши мумкин. Шунинг учун вилоятимизда таълим муассасалари ўқитувчилари ўртасида доимий ҳаракатдаги малака ошириш ўқуви дастур асосида ташкил этилган.

Самарқанд шаҳридаги 11 та таълим муассасасида умумтаълим фанлари ўқитувчилари саноат, транспорт, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, иқтисод соҳалари бўйича машғулотларда қатнашиб, ўзларининг билим ва малакаларини мустаҳкамламоқдалар. Бу ўқув машғулотлари ўқитувчилар учун қанчалик аҳамиятли эканлигини уларнинг ўзлари айтиб беришар. Энг муҳими — ўрта махсус, касб-ҳунар таълим бошқармаси томонидан ўқитувчилар учун барча қулайликлар яратилган. Узоқ туманлардан келган ўқитувчилар ётоқхона билан таъминланган.

**Уммат УСМОНОВ, Ургут иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси:**

— Мана икки кундан буён СамДУ қошидаги академик лицейда доимий ҳаракатдаги малака ошириш дастури бўйича кимё фанидан машғулотларда иштирок этдим. Бу машғулотлар ҳамкасбларим билан биргаликда фан бўйича муаммоларни бартараф этишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки дарслик, китоблар камёб.

Malaka oshirish

Биз бу ерда профессор ва доцент ўқитувчилар билан биргаликда таълим бериш жараёнида туғиладиган саволларимизга жавоб топаяпмиз.

**Муҳтарама БОЗОРОВА, Самарқанд иқтисодиёт коллежининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани ўқитувчиси:**

— Миллий истиқлол ғояси фанини ўқитишнинг ҳам ўзига яраша қийин томонлари бор. Бу фанга қизиқиш уйғотиш учун ўқитувчи тинмай изланиши ва янгича ўқитиш усулларидан фойдаланиши зарур. Шунинг учун биз имкониятдан фойдаланиб, маъруза матнларини тайёрлаш мақсадида мавзуларни бўлиб олдик. Бунда ҳар бир ўқитувчи ўз маҳоратини ишга солади.

Бизда Самарқанд тиббиёт ва банк коллежлари, СамДУ қошидаги академик лицей ўқитувчилари томонидан тайёрланган маъруза матнлари зўр қизиқиш уйғотди. Ҳар биримиз ўзимизнинг келажакда амалга оширишимиз лозим бўлган ишларимизни аниқ белгилаб олдик.

**Муборак ХАЛИЛОВА, Жомбой маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси:**

— Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув дастури бўйича иқтисодий география ўқитилиши лозим, биз эса дарслик бўлмаганлиги учун амалий географияни ўқитяпмиз. Ўқувчиларнинг «нима учун?» деган саволига жавоб қайтариш осон эмас.

**Облақул НУРМАТОВ, Самарқанд иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси:**

— Мен банк иши йўналишида дарс бераман. Биз ҳаракатдаги доимий малака ошириш машғулотларида соҳа янгиликлари билан танишиб, ўзаро фикр алмашмоқдамиз. Ҳаёт жадал одимламоқда, банк соҳасида ҳам янгиликлар кўп. Биз ўқитаётган талабалар амалиётдан ортда қолмасликлари учун бугунга ва келажакка мос ўқув қўлланмалари яратиш ўқитувчилар зиммасида турибди. Мен ишонч билан айтаманки, бугунги изланишларимиз бекорга кетмайди.

Шу куни турли фанлар йўналиши бўйича машғулотларда иштирок этаётган ўндан зиёд ўқитувчилар билан суҳбатлашдик. Уларнинг ҳар бири ўтказилаётган малака ошириш машғулотлари кейинги фаолияти учун фойдали ва аҳамиятли бўлаётганини эътироф этдилар.

**Назокат ШЕРБОЕВА**

Ta'lim fidoyisi

# НУРОТАЛИК МУРАББИЙ

Инсон дунёга келар экан, доимо ўзидан кейинги авлодга бирор нима қолдиришга ҳаракат қилади. Жамиятга, кишиларга нима биландир ёрдам бериш учун интилади. Ана шу ёрдам, ҳиссалардан бири ёш авлодга таълим-тарбия бериш касбида яққол ўз аксини топган. Табиатан камтар, билимдон ва чинакам жонкуяр инсон Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти Жисмоний тарбия назарияси ва услубиёти кафедраси мудири Раҳматилло Саломов ҳам бежизга ўқитувчилик касбини танлаган эмас. Боиси у киши "Устоз отангдек улуғ" деган ҳикматли гапни тўғри тушуниб етганлардан. Қатор шогирдлар яратиб, уларнинг роҳат-фароғатини кўриб яшаш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

1942 йил 30 январь куни Нурота тоғлари бағридаги Ғозғон қишлоғида таваллуд топган Раҳматилло ака беғубор ёшлик, мактаб чоғларини ўзига хос бир ширин хотирлайдиган тарзда ўтказди. У мактабда ташкил этиладиган спорт мусобақаларида доимо фаол иштирок этарди. Ниҳоят ўрта маълумотга эга бўлгач, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга кирди ва 1968 йил ушбу олийгоҳни имтиёзли диплом билан тамомлади. Кейин 1971-74 йилларда Москвада аспирантурада ўқиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Сўнгра она юртига қайтиб, касбий фаолиятини бошлади. 1975-92 йилларда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг Жисмоний тарбия назарияси ва услубиёти кафедрасида доцент, кафедра мудири ва факультет декани муовини вазифаларида, 1993-99 йиллар Халқ таълими вазирлигининг Жисмоний тарбия ва спорт бўлимининг бошлиғи ва ниҳоят бугунга қадар эса юқорида тилга олинган олийгоҳнинг Жисмоний тарбия назарияси ва услубиёти кафедрасида мудир лавозимида ишлаб келмоқда.

Доцент Саломов ҳозирда 3 нафар фан номзоди тайёрлади. Шунингдек, жисмоний тарбия ва спортга оид илмий изланишлар олиб борган устоз 40 йиллик меҳнат фаолияти даврида 80 дан ортиқ илмий, 60 дан зиёд услубий мақолалар ёзди. Ҳозирда у кишининг 100 дан ортиқ шогирдлари эл-юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Айниқса у кишининг ўзи ҳам "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамда "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонун ва қарорларни ислоҳ этиш, болалар ҳамда ўқувчи-ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш ва уларнинг жисмоний тайёргарликларини такомиллаштириш учун яқиндан амалий ёрдам кўрсатиб келаяпти.

Бугун олтмиш ёшини қаршилаётган Раҳматилло Саломовнинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У киши "Халқ таълими аълочиси" ва қиличбозлик бўйича миллий тоифадаги ҳакам саналади. Ҳозирда бу фидойи инсон "Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлашда ўқув-тарбия жараёнини оптималлаштириш" мавзуидаги докторлик диссертациясини ниҳоясига етказмоқда.

Биз ана шундай жонкуяр устознинг касбий фаолиятида каттадан-катта муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Ю.ОРИПОВ,**
**ЎзДЖТИ катта ўқитувчиси**

## КАРЗАЙ БУШ БИЛАН УЧРАШДИ



**Афғонистон ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай БМТ Бош котиби Кофи Аннан билан музокаралар олиб боргач, Вашингтонда АҚШ президенти Жорж Буш билан учрашди. Жорж Буш Афғонистонга ваъда қилинган 297 млн. доллардан ташқари, мамлакат инфраструктурасини тиклаш мақсадида хусусий инвестициялардан қўшимча 50 млн. доллар маблағ берилишини айтди. Шунингдек, америкаликлар афғонларнинг ўз армиясига эга бўлишида ҳам ёрдам беришмоқчи. Ўз навбатида, Карзай Америка ва дунё давлатларининг ёрдамлари учун миннатдорчилик билдириб, Афғонистонда терроризмнинг қайта пайдо бўлишига йўл қўйилмаслиги учун сўз берди.**

## ҚУРБОНЛАР СОНИ ОШИШИ МУМКИН



**Нигерия пойтахти Лагос шаҳридаги мамлакат қуролли кучларига қарашли ўқдори сақлаш омборида юз берган портлаш туфайли камида 600 нафар киши ҳалок бўлди. Ҳозирда харобага айланган ўнлаб биноларда қутқарувчилар гуруҳи иш олиб бормоқда. Шифохоналар эса юзага келган ёнғин туфайли куйган кишилар билан тўлиб кетган. Шунингдек, бедарак йўқолганларни топиш ҳам давом этмоқда. Манбаларга кўра, қурбон бўлганларнинг кўпчилиги ўсмирлар ва ёшлар бўлиб, уларнинг сони ошиши мумкин.**

## ҲАЛОКАТ САБАБЛАРИ ҲОЗИРЧА НОМАЪЛУМ



**Хонқалъадан Моздок томон парвоз қилган "Ми-8" вертолётининг ҳалокатга учраши сабаблари номаълумлигича қолмоқда. Тахминларга кўра, унга чечен айирмачилари ҳужум уюштирган бўлиши мумкин. Вертолётга ракета бориб теккани ҳам эҳтимол қилинаётган бўлса-да, Грозныйдаги федерал кучлар вертолётнинг аввал ерга қулаши ва сўнгра портлаганини айтишмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, паст баландликда ва секин ҳаракатланган "Ми-8" жангарилар нишонига тушиб қолган. 14 нафар ўлганлар ичида Россия Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-лейтенант Михаил Рудченко, Чеченистондаги ички ишлар қўшинлари қўмондони генерал-лейтенант Николай Гаридовлар бор эди.**

## КОЛУМБИЯДА САМОЛЁТ ҲАЛОКАТИ



**Эквадорнинг "Таме" авиакомпаниясига қарашли "Boeing 727-100" самолёти Колумбиянинг баланд Анд тоғлари жойлашган туманида ҳалокатга учради. Аэробус бортида 83 нафар йўловчи ва 9 нафар экипаж аъзолари бор эди. Авиакомпания матбуот котибининг айтишича, самолёт Ипиалес шаҳарчаси яқинида ерга қулаб тушган. Ҳозирда фалокат жойида қутқарув ва фожеа сабабларини аниқлаш учун махсус гуруҳлар иш олиб бормоқда.**

## 10 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ ТАКЛИФ



**Ироқ ҳукумати сўнгги 10 йил ичида БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича экспертларининг мамлакатга киришларига илк маротаба рухсат берди. 1992 йилли инсон ҳуқуқларининг бузилиши борасида собиқ эксперт нидерландиялик Макс ван дер томонидан хабар тарқалгач, расмий Бағдод халқаро вакилларнинг киришини таъқиқлаб қўйган эди. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссарлигининг билдиришича, Андреас Мавромматис расмий Бағдод таклифига биноан келгуси ойда Ироққа боради.**

**"ИНТЕРНЕТ" хабарлари асосида**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетининг 102-гуруҳ талабалари тайёрлашди**

Xalqaro sharh

# ЯҚИН ШАРҚ ВОҚЕАЛАРИГА БИР НАЗАР

*Халқаро майдонда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеаларда Яқин Шарқ минтақаси муаммолари доимо муҳим аҳамият касб этган. Ниҳоясига етаётган январь ойи мобайнида ушбу минтақадаги вазият янада кескинлашди. Исроил ҳарбийлари билан ғалаён кўтарган фаластинликлар ўртасидаги тўқнашувлар оқибатида (Қуддус, Хеврон, Хайра, Наблус, Рамоллоҳ, Байтлахм ва бошқа жойлардаги портлашлар билан бирга) 120 дан кўпроқ киши нобуд бўлган.*

*Бугунги кун воқеалари ўзининг ўта мураккаблиги, муроса йўлининг барбод бўлаётганлиги ва барча чигалликлари билан 1967 йили ёки XX асрнинг 70-йиллари бошларидаги ҳамда 1982 йил ёз ойларида юзага келган ниҳоятда хатарли вазиятни эслатмоқда.*

*Исроил билан Фаластин ўртасидаги кескин муносабатларни бартараф этиш мақсадида бир қатор музокаралар, йирик дипломатлар иштирокидаги маслаҳатлашувлар ўтказилди. АҚШ маъмуриятининг махсус вакили, истеъфодаги генерал Энтони Зинни 2001 йил ноябрь охирида ва шу йилнинг январь ойи биринчи ярмида Яқин Шарқ минтақасига ташриф буюрди. Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат масалалари бўйича мувофиқлаштирувчиси Хавьер Солана ҳам ушбу минтақага келган эди. Бироқ, шу пайтгача олиб борилган саъй-ҳаракатлар кутилган натижаларни бермади.*

*Масаланинг яна бир мураккаб томонига эътиборингизни қаратсак. Ҳозир Исроилда 6 миллион атрофида аҳоли истиқомат қилмоқда. Шундай бўлса-да, дунёнинг турли мамлакатларида (АҚШ, Канада, Россия, Германия ва бошқа давлатлар) бир неча миллион киши Исроилни ўзининг азалий ватани деб ҳисоблаётганлигини ҳам унутмаслик керак. Уларнинг орасида мислсиз сармояга эга бўлган ёки жаҳон сиёсатида анча-мунча мавқега эришган давлат раҳбарларию ҳарбий саноат мажмуининг бошлиқлари ҳам бор. Ана шу сиёсий доираларнинг айрим қисми Исроилдаги консерватив кучларни, шу жумладан амалдаги Бош вазир, армия генерали Ариел Шаронни қўллаб-қувватламоқда. Улар ҳатто катта миқдордаги молиявий-ҳарбий "мадад" ваъда қилишмоқда.*

*Хўш, агар аҳвол шу тарзда давом этса, Яқин Шарқда мулоқот йўли очиладими? Албатта, йўқ. Минтақадаги вазият оғирлашаётганлигининг яна бир томони бор. Умуман араб дунёсида 20 дан ортиқ давлатлар бор. Буларнинг орасида Миср, Судан, Жазоир каби ҳудуди жуда катта бўлган мамлакатлар ёки ҳудудига кўра анча кичик бўлган Қувайт, Баҳрайн, Қатар сингари давлатлар ҳам бор. Умуман араб дунёси аҳолисининг сони Исроил аҳолисига нисбатан салкам эллик марта кўпдир.*

*Араб давлатларининг Яқин Шарқ муаммоларини ечиш йўлидаги қарашларида туб фарқ бор. Улардан айримлари (асосан Миср ва Иордания) тинч музокаралар йўлини ҳимоя қилаётган бўлса, яна айримлари (Ироқ, Ливия, Судан, қисман Сурия) муаммони ҳарбий-сиёсий воситалар орқали ҳал этишнинг тарафдоридир. Тўғри, минтақадаги сиёсий масалага ёндашувда беқарорлик йўлида ёки кутиш позициясида бўлаётган араб давлатлари ҳам йўқ эмас.*

*Кейинги кунлар воқеалари араб дунёсининг кайфияти ҳам Исроилга нисбатан муросасиз эканлигидан далолат бермоқда. Хусусан, Ливан жанубида қўпорувчиликларнинг авж олаётганлиги, Суриянинг Жўлон тепаликлари (1967 йили Исроил томонидан босиб олинган) масаласида музокараларга рози бўлмаётганлиги, Ироқнинг Яқин Шарқ муаммосини ҳарбий йўл билан ечиш йўлидаги сиёсати минтақадаги умумий жараёнга бевосита таъсир этмоқда.*

*Бундан илгарироқ Араб Давлатлари Лигаси фаластинликларга 1 миллиард доллардан кўпроқ миқдорда ёрдам кўрсатишга келишиб олган эди. Аммо, бу молиявий ёрдам қандай мақсадга қаратилар экан? Катта миқдордаги ёрдам янги Араб-Исроил можаросига дебоча бўлармикан ёки не орзу-умидлар билан бунёд бўлиши кутилаётган мустақил Фаластин давлатининг оёққа туриб олиши учун кўмакмикан? Албатта, бу катта жумбоқ.*

*Минтақадаги сиёсий беқарорлик авжига чиқаётган шу онларда турли экстремистик оқимларнинг ҳаракати ҳам ярага туз сепиш билан баробардир. Масалан, "Ҳамас" экстремист гуруҳи Исроил билан ҳеч қандай музокаралар олиб борилмаслигини талаб қилмоқда. Ҳарбийлашган жангари гуруҳ — "Ҳезболлоҳ" айирмачилари эса аллақачон қўпорувчилик ва муросасизлик йўлига ўтиб олган. Маълумки, 2000 йил май ойида Ливан жанубидан Исроил қўшинларининг олиб чиқиб кетилишида ўзини "ҳал қилувчи куч" ва "ғолиб томон" деб ҳисоблаган ушбу жангари гуруҳ ҳозиргача Исроил ҳарбийларидан бир нечасини нобуд қилган.*

*Мана шу ҳолат фаластинликларнинг бугунги куни учунгина эмас, балки келажаги учун ҳам фожеа ёки парокандалик келтириши эҳтимолдан холи бўлмайди. Уларнинг энг йирик ташкилоти "ФОТҲ" деб аталади. Фаластин Озодлик Ташкилотининг асосий қаноти бўлган "ФОТҲ"га ҳам Ёсир Арофат етакчилик қилмоқда. Шу кун воқеалари Фаластин Озодлик ташкилоти Ижроия Кенгашида, шунингдек, "ФОТҲ"да жиддий ихтилофлар ва келишмовчиликлар мавжудлигини намойиш этаяпти. Ушбу ташкилотнинг қуйи органлари раҳбарлари Ижроия Кенгашининг қарорларини, аниқроғи Фаластин миллий-маъмурий мухторияти бошлиғи Ёсир Арофатнинг кўрсатмаларини бажаришдан бош тортмоқда.*

*Айнан шу каби ҳолатлар Ғазо сектори ва Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги аҳволни бутунлай издан чиқариб юборди. Фаластинликлар нисбатан кўпроқ бўлган Қуддуснинг шарқий қисмида ҳам вазият ўта беқарор бўлиб турибди. Қуддус, Хеврон, Иерихон, Наблус, Рамоллоҳда фаластинлик ўспиринларнинг "тош отиш машқи" ва баъзи ҳолларда ўт очувчи қурол-яроғ билан ҳаракат қилаётганлиги янги-янги қурбонларга сабаб бўлмоқда. Марҳумларни дафн этиш ҳам фақат сиёсий мақсадга қаратиляпти, яъни ҳалок бўлганларнинг қабристонга эмас, балки Исроил ҳарбийлари назорат қилаётган жойларга олиб борилиши норозиликнинг бир кўринишидир.*

*Шу тариқа Фаластин Озодлик Ташкилоти (ФОТ) миллий мухторият ҳуқуқи берилган ҳудудда умумий назоратни қўлдан бериб қўйди. Ваҳоланки, 1993 йил 13 сентябрда Вашингтонда эришилган Исроил-Фаластин тинчлик аҳдномасига мувофиқ (бу ҳужжатда фаластинликларга мухторият ҳуқуқи берилишига келишилган эди) Ғазо сектори ва Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги 40 фоиз жойда умумий назорат Фаластин полициясига юкланиши таъкидланган эди.*

*Аммо бугун-чи? Бугун ушбу ҳудудларга яна Исроилнинг сараланган ҳарбий қисмлари, замонавий танкларию вертолётлари сафарбар этилган. Уларни 1967 йилда бўлгани каби, бугун ҳам Наблус, Рамоллоҳ, Ғазо ёки Иерихон каби жойларда кўриш мумкин.*

*Бу воқеалар фаластинликларнинг нафақат мустақил давлат мақомини олишга интилишини, балки шу пайтгача эришилган ютуқларни, хусусан, миллий мухторият мақомини ҳам хавф остида қолдирмоқда. Кейинги 5-6 йил ичида Фаластин заминидан Исроилнинг каттагина армияси олиб кетилган эди. Энди эса бу қўшинлар ўзлари учун бир пайтлар "доимий қароргоҳ" бўлган жойларга қайтиб кела бошлади.*

*Яқинда Исроил ҳукуматининг бошлиғи Ариел Шарон минтақада тинчлик ўрнатишга қаратилган музокаралар жараёни вақтинчалик тўхтатилганлигини баён қилди. Бу 1991 йил октябрдаги Мадрид халқаро конференцияси, 1993 йилдаги Вашингтон битими, 1994 йил майдаги Қоҳира ва ундан кейинги Ақаба, яна Вашингтон, кейин Париж ҳамда Шарм аш-Шайх (Миср) келишувларига вақтинчалик нуқта қўйилганлигига ишоратдир.*

*Кўп бор таъкидланганидек, Исроилнинг ҳозирги раҳбарияти ён бермаслик йўлидан бормоқда. Бу ҳукумат ўз сиёсатида ҳарбий қудратни намойиш этиш ва шу йўл билан минтақада "тартиб ўрнатиш"ни мақсад қилган. Ёдингизда бўлса, бугунги кунда 75 ёшни қоралаб қолган Бош вазир Ариел Шарон бир пайтлар мудофаа маҳкамасига етакчилик қилган эди. У арабларга, шу жумладан фаластинликларга қарши олиб борилган йирик ҳарбий ҳаракатларнинг ташаббускори ва ижрочиси бўлган. 1982 йилнинг сентябрида Сабра ва Шатиладаги фаластинликларга қарши оммавий қирғинларнинг ташкилотчиси ҳам ўша кезлари мудофаа вазири бўлган Шарон эди.*

*Табиийки, бу мисоллар Яқин Шарқда бўлаётган воқеаларнинг бундан буёнги ривожи қандай давом этиши мумкинлиги ҳақида оз бўлса-да тасаввур ҳосил қилади.*

*Фаластин муаммоси юзасидан музокараларнинг боши берк кўчага кириб қолганлиги, мустақиллик ҳаракатлари у ёқда турсин, ҳатто мухторият мақомининг хавф остида қолаётганлиги сабаблари ҳақида яна узоқ тўхталиш мумкин. Бизнинг назаримизда, қуйидаги ҳолатлар фаластинликлар тақдирини ачинарли аҳволга келтириб қўйди. Биринчидан, кейинги 10-12 йил мобайнида эришилган йирик тинчлик аҳдномаларининг бирин-кетин поймол бўлаётганлиги; иккинчидан, Исроил манзилгоҳлари ва Қуддус шаҳрининг сиёсий мақоми теварагида томонларнинг қарашларидаги кескин тафовутлар; учинчидан, Яқин Шарқ минтақасида террорчилик ҳаракатларининг авж олиши, шунингдек, 1987 йилда бошланган, 2000 йилнинг сентябридан янги босқичга кирган озодлик учун кураш ҳаракати — Интифада амалда қўпорувчилик, бузғунчилик ва тарафкашлик кўринишлари билан қоришиб кетганлиги; тўртинчидан, Фаластин мухторияти маъмуриятидаги ихтилофлар, бўлинишлар, умумий мақсад йўлидаги интилишларда турли хил кураш йўли; бешинчидан, энг ачинарлиси, бу Яқин Шарқ муаммосининг сиёсий ечимида 22 араб давлатларининг масалага турлича муносабат билдираётганлиги ва бошқа жараёнларни эслатиш муҳим.*

*Дарҳақиқат, Яқин Шарқ ҳамон она заминимизнинг нотинч минтақаси бўлиб қолмоқда. Инсоният янги — XXI асрга тинчлик ва барқарорлик устувор бўлган, эзгулик, озод ва эркин яшаш тантанаси, дўстлик ва биродарлик ғолиб бўлган шароитда кириб боришни орзу қилган эди. Афсуски, айрим минтақалардаги (Яқин Шарқ, Осиё жануби, Колумбия, Филиппин, Шимолий Ирландия ва бошқалар) сиёсий-ҳарбий жараёнлар бу орзу-умидларга соя солмоқда.*

*Шундай мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳолатда БМТнинг таъсирини ошириш, хусусан, унинг Яқин Шарқ минтақасидаги нуфузини мустаҳкамлаш замон талабидир. Европа Иттифоқи ва Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) мамлакатлари ҳам бу эзгу мақсад йўлида халқаро ҳамжамиятга яқиндан ёрдам бермоқчилигини таъкидлаяпти. Бугун замон Яқин Шарқ минтақаси учун Мадрид руҳи қайта тикланишини ҳам ўртага қўймоқда. Чунки бундан салкам ўн бир йил аввал Яқин Шарқда тинчликка эришиш учун жиддий қадам қўйилган эди. Ана шу халқаро конференциянинг ҳамраислари АҚШ ва Россия эканлигини, улар бу ҳуқуққа ҳозир ҳам эгалигини, демак, айнан мана шу имкониятдан жаҳон барқарорлиги йўлида фойдаланиш зарурлигини дунё аҳли талаб қилмоқда.*

*Яна бир ҳолатга қисман тўхталган бўлсак-да, унга чуқурроқ ёндашмоқчи эдик. Яқин Шарқ муаммосининг бош сабаби, араблар билан Исроил экан, демак, араб дунёси ҳам (биринчи навбатда фаластинликлар) аравани турли томонга тортиш йўлидан эмас, балки минтақада умумий тинчлик учун, миллий-этник ва айни пайтда диний низоларга чек қўйиш учун астойдил курашмоғи керак. Бундан ўзга йўл ҳеч кимга наф келтирмаслигини, қарама-қарши туриш фақат вайроналик ва йўқотишларга олиб келишини англамоқ зарур.*

*Ушбу минтақа ҳаётининг 55 йиллик тарихи шундан гувоҳлик берадики, уруш йўли, куч ишлатиш сиёсати, маълум бир ҳудудда ўз гегемониясини ўрнатишга бўлган интилиш ҳеч қачон самара бермаган. Бундан кейин ҳам шундай бўлади.*

*Ягона йўл ҳақиқий тинчлик ва осойишталик йўлидир. Тинчликка, минтақавий барқарорликка эришиш ҳақиқий қўшничилик ва биродарлик алоқаларини ўрнатиш орқали амалга ошади. Қайси бир минтақани олмайлик, бу олий мақсад йўлига етаклайдиган энг асосий омил ўзаро ишончдир. Зеро, бу хулосадан Яқин Шарқ минтақаси ҳам мустасно эмас.*

**Қобилбек КАРИМБЕКОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

# БАЙРАМОНА РУҲДА ЎТДИ

*Қашқадарё вилоятида "Умид ниҳоллари" спорт-мусоқабаларининг вилоят босқичи кўтаринки руҳда якунланди.*

*Мусобақалар ўтказиладиган ҳудудларнинг энг яхши спорт заллари ва спорт майдонлари қайта таъмирланди, ўқувчилар керакли спорт анжомлари билан таъминландилар.*

*Спорт мусобақаларига ҳакамлик қилиш учун малакали мутахассислар, спорт ҳакамлари жалб этилди.*

*Мусобақаларга туман, шаҳар ҳокимликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги бўлимлари, касаба уюшмалари туман Кенгашлари ҳомийлик қилди.*

*Вилоятдаги 15 та туман, шаҳар мактабларининг 26112 нафар 5-7-синф ўқувчилари "Умид ниҳоллари" мусобақаларида қатнашдилар.*

*Қарши шаҳрининг "Насаф" ўйингоҳида ўтказилган вилоят босқичида спортнинг 10 тури бўйича 2612 нафар ўқувчи иштирок этди. Ғузор, Косон, Шаҳрисабз туманлари ҳамда Қарши шаҳри ўқувчилари бу мусобақаларда яхши натижалар кўрсатишди.*

*Мусобақаларнинг очилиши, ўтказилиши, натижалари доимий равишда туман газеталари, "Қашқадарё", "Қашқадарё зиёкори" газеталарида мунтазам равишда ёритиб борилди.*

**С.ЭШОНҚУЛОВ**

# КУРАШ ДУНЁ БЎЙЛАБ ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

Бугунги кунда миллий қадриятимизнинг ажралмас қисми бўлган кураш катта спорт тури сифатида жадал суръатлар билан дунёга ёйилмоқда. Осиё, Европа, Америка ва унча-мунча яккакураш турларини қабул қилмайдиган Африка қитъасининг турли бурчакларида ҳам мазкур спорт тури бўйича нуфузли мусобақалар ташкил этилаётир.

Шу ўринда кураш тарихига тўхталиб ўтиш жоиз. Мутахассисларимизнинг таъкидлашича, курашнинг ёши етти минг йилгача етади. Ҳатто, уч ярим минг йиллик ёзма манбаларни аниқ факт сифатида келтиришимиз мумкин. Қолаверса, Маҳмуд Қошғарийнинг машҳур "Девони луғатит турк", Табирийнинг "Тарих", Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Низомийнинг "Хамса", Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин", Бобурнинг "Бобурнома" асарларида полвонлар мусобақалари, куч-қудрати тавсифланган сатрлар мавжуд. Халқ оғзаки ижодига мансуб "Алпомиш", "Гўрўғли", "Тўлғоной", "Равшан" каби достонлар қаҳрамонлари ҳам паҳлавон бўлган, уларнинг курашлари мадҳ этилган. Миллий курашимизнинг гуркираб ривожланиши эса IX-XIII асрларга тўғри келади. Шу даврда кураш жуда оммавийлашган, халқнинг энг севимли ўйинига айланган эди. Паҳлавон Маҳмуд, Жалолиддин Мангуберди, Дарвеш Муҳаммад каби полвонлар кураш довруғини дунёга таратганлар. Шу тариқа кураш йилдан-йилга, асрдан-асрга ўтиб, халқимиз қонига сингиб кетган. Бироқ, бугунги кунда кураш миллий ўйин, урф-одат, тўю сайилларда ўтказиладиган беллашув бўлиб қолмай, замонавий спорт турига айланиб бўлди.

1998 йилнинг 6 сентябрида жаҳон ҳамжамияти курашни катта спорт тури сифатида эътироф этди. Яъни, шу куни Америка, Европа ва Осиёнинг 28 мамлакати вакиллари иштирокида ўтказилган Таъсис йиғилишида Халқаро кураш ассоциацияси ташкил этилди. Бундан ташқари бир неча турнирларда тажрибадан ўтказилган курашнинг янги қоидалари "халқаро қоида" сифатида қабул қилинди ва I жаҳон чемпионатини кураш ватани — Ўзбекистонда ўтказишга келишиб олинди.

Дунё бўйлаб курашнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган мазкур халқаро ташкилотнинг оёққа туриб олишида Президент Ислом Каримовнинг 1999 йил 1 февраль куни эълон қилинган "Халқаро кураш ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони катта аҳамият касб этди.

Ҳа, бутун курраи замин бўйича 40 га яқин давлатлар аъзо бўлган Халқаро кураш асссоциацияси (ХКА) фаолиятини таҳлил қилсак, уюшма тузилгандан буён анчайин салмарали ислоҳотларни амалга оширганига шоҳид бўламиз. ХКА ташкил этилган йилдаёқ амалга ошириладиган ишлар босқичларга бўлиб олинди. Биринчи босқич жаҳон биринчиликлари, қитъа чемпионатлари ва турли нуфузли мусобақалар ўтказишдан бошланди. Ўтган йилнинг ўзида ХКАга аъзо мамлакатларнинг деярли барчасида миллий биринчиликлар ўтказилди. Мамлакат чемпионатларида саралаб олинган курашчилар август ойида Венгриянинг Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган III жаҳон чемпионатида иштирок этдилар. Илк бор Осиё (Тошкентда) ва Африка (Ҳартенбос, ЖАР) биринчилиги ташкил этилди. Бундан ташқари Буюк Британияда Ислом Каримов анъанавий халқаро турнири, Нукус ва Термиз шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун 2 та халқаро турнир ҳамда Россияда ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати муваффақиятли ташкил этилди.

Бундай мусобақаларни ташкиллаштириш ва уларни анъанавий тарзда ўтказиб туриш биринчи босқичнинг бир қисми, холос. Бу босқичдан кўзланган асосий мақсад, ФИФА, ФИДЕ, ФИЛА сингари дунё бўйича ХКА тизимини яратиш эди. Бунга эришиш учун ХКА ўз низомини бошқа йирик халқаро уюшмаларникига мувофиқлаштирди, уюшма қошида маънавий-моддий қўллаб-қувватловчи ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилди. Осиё, Африка, Америка ва Европада қитъавий конфедерациялар тузишга эътибор қаратилди. Ва ниҳоят, ана шу ислоҳотлар амалга оширилгач, ўтган йили биринчи босқичга якун ясалди.

Зеро, биринчи босқичда жаҳон бўйича ХКА тизимининг яратилгани туфайли бошқа уюшмалар, федерациялар, ташкилотлар билан боғланиб, курашни қитъа ўйинларига киритиш имкони вужудга келди. Уларнинг барчаси эса ўзбек халқининг ифтихори бўлган курашни олимпиада спорт турларига қўшиш учун амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки, халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ) олимпиадага киритиладиган спорт турларига оммавийлик ва оммабоплик, неча қитъа ва мамлакатларга ёйилганлиги ҳамда унда эркак ва аёллар шуғулланишини таъминлаш каби бир неча талабларни қўйган. ХКА айни пайтда ХОҚ талабларини босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда. Энди навбат ХКАни маънавий, моддий жиҳатдан мустақил ва мустаҳкам ташкилотга айлантириш масаласини ҳал этишга етди. ХКА — сиёсат ва тижорат юритмайдиган халқаро спорт ташкилоти бўлганлиги учун ҳам иккинчи босқичда моддий базани ривожлантириш талабини саховатпеша ҳомийлар ёрдамида амалга ошириш ниятида.

ХКА курашни Олимпиада ўйинларига киритиш йўлида амалий ҳаракатлар қилмоқда. Айни вақтда курашнинг хусусиятларини турли нуфузли мусобақаларда намойиш этиш, яъни уни реклама қилиш аҳамиятли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ХКА Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ёрдамида 2004 йил Грецияда ўтказиладиган Олимпиада ўйинларида кураш бўйича кўргазмали чиқиш тадоригини кўрмоқда. Бундан ташқари ана шундай чиқишларни жорий йилда Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё ўйинлари мусобақасида ҳам ташкиллаштириш масаласи бўйича Осиё Олимпия ижроия қўмитасига мурожаат қилинди.

Таъкидлаш лозимки, ХКА ижроия қўмитаси томонидан 2002 йилда ўтказиладиган мусобақаларнинг тақвимидан қатор нуфузли турнирлар жой олган. Куни кеча эса Эрон кураш федерацияси президенти Муҳаммад Деракшандан 29 июнь куни Теҳронда Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган халқаро турнир ташкиллаштирилиши ҳақида хушхабар келган. Ўзбек кураши бўйича турли йирик мусобақалар, қитъа ва жаҳон биринчиликлари муваффақиятли ўтказилаётган ва шу спорт тури дунё бўйлаб барчага бирдек манзур бўлаётган экан, вақти келиб у қитъа ўйинлари ва Олимпиада ўйинларини безашига ишонамиз.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ**

## ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИДА ЎТКАЗИЛГАН ТЕНДЕР ҒОЛИБЛАРИ РЎЙХАТИ

I. Ўқувчилар сумкаси бўйича

1. "XXI аср" Х.Ф.
2. "Бегали ҳожи" Х.Ф.
3. "Болалар-2000"
4. "Зиё-АДМ"
5. "Луфер" Қ.К.
6. "Ваҳобов Муҳаммадазиз"
7. "Манзурлатиф"
8. "Меъёр"
9. "Мирзасолиев" Х.Ф.
10. "Музаффар-94"
11. "Навоий-илм"
12. "Носиров" Х.Ф.
13. "Одина" Х.Ф.
14. "Омад" Х.Ф.
15. "Орзу" Х.Ф.
16. "Орзу атторлик"
17. "Пастдарғом АМЕРОС"
18. "Рустамов А"
19. "Саманд-2"
20. "Сатторова С"
21. "Тарандубитель" А.Б.
22. Технологик лицей
23. "Турғунов А."
24. "Тянь-Шань"
25. "Ўзбекистон" К.Б.Д.
26. "Азвест-экспресс" Қ.К.
27. Ўқувчи кийим
28. "Усмонов Али"
29. "Улуғ шўх" Х.Ф.
30. "Баҳромов" Х.Ф.
31. "Жаҳон савдо сервис" М.Ч.К.
32. "Жаҳон савдо сервис" М.Ч.К.
32. "Учқун" ПТК
33. "Ҳакимов" Х.Ф.
34. "Хақулобод" тикувчилик фабрикаси
35. "Хўжаобод" А.Б.
36. Ҳусниддин" Х.Ф.
37. "Шабода"
38. "Шарқ пойабзали фабрикаси"
39. "Шоира бону-78" Х.Ф.
40. "Мамадалиев Х." Х.Ф.
41. "Шоҳ Акбар" Х.Ф.
42. "Йўлдошева" Х.Ф.
43. "Ваҳобов Муҳаммад Иброҳим" Х.Ф.
44. "Янги аср"
45. "Абдуллаев" Х.Ф.
46. "Крамр" Х.Ф.

II. Ўқув қуроллари бўйича

1. Тошполиграфкомбинат
2. 1-Тошкент босмахонаси
3. Тошкент китоб-журнал фабрикаси
4. "Суарта" М.Ч.К.
5. "Хусанов" Х.Ф.
6. "Век" А.Б.
7. "Эл-пласт" М.Ч.К.
8. "Ҳалол-пудрат" М.Ч.К.
9. "Гулёна" Х.Ф.
10. "Нилу" Х.Ф.
11. "Дримс" М.Ч.К.
12. "Мия" Х.Ф.
13. "Ўқувчи кийим" Х.Ф.
14. "Таълим-қурилиш-савдо"
15. Агзамов" Х.Ф.
16. "Гамма-текс"

***ЭСЛАТМА:** Қишки кийим ва пойабзал ғолиблари рўйхати қўшимча эълон қилинади.*

## КЛИЧКО РИНГГА ЧИҚМОҚЧИ

**Украиналик оғир вазнли профессионал боксчи Владимир Кличко 16 март куни рингга чиқади. У WBO йўналиши бўйича ўзининг чемпионлик камарини учинчи бор ҳимоя қилади. Маълумотларга кўра, бу йил Кличко Фрес Оквендо, Жамил Мак Лайн, Оливер Мак Колл ва Франсуа Боталар билан жанглар ўтказади.**

## ЭНГ КУЧЛИЛАР РЎЙХАТИ



**WTA йўналиши бўйича дунёнинг энг яхши теннисчилари рўйхати эълон қилинди. Унга кўра рўйхатнинг энг тепасида америкалик Женифер Каприати турган бўлса, ундан кейин Линдсей Дэвенпорт ва учинчи ўринни Винус Уильямслар эгаллашди. Биринчи ўнлик таркибида ягона ўзгариш бўлиб, бельгиялик Жюстин Энин саккизинчи ўриндан олтинчи ўринга кўтарилди. Россиянинг энг кучли ракетка устаси Елена Дементьева 16-ўринни банд қилиб турибди.**

## ХОККЕЙ КЛУБИДА ҒАЛАТИ ЎЗГАРИШ

**"Спорт-экспресс"нинг хабар беришича, Американинг "New Jersey Devils" клуби раҳбарияти барча мураббийларни ишдан бўшатиб юборди. Вазифасидан озод этилганлар орасида хоккей бўйича Россия терма жамоаси бош менеджери, "New Jersey Devils"да катта мураббий ёрдамчиси лавозимида ишлаб келаётган Вячеслав Фетисов ҳам бор. Клуб раҳбарияти ўзининг бу қарорини ҳозирча шарҳламаган. Жамоа эса ушбу мавсумда Миллий хоккей лигасида яхши қатнаша олмади ва 51 та ўйин ўтказиб, Атлантика дивизионида тўртинчи ўринни эгаллаб турибди, холос.**



## ЎЙИНЛАР НАМОЙИШИ УЧУН 20 МИЛЛИОН

**Россиянинг ОРТ ва РТР телекомпаниялари Жанубий Корея ва Японияда ўтказиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг 64 та ўйинларининг барчасини намойиш этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Бу учун 20 миллион доллар сарфлаган иккала етакчи телекомпаниялар ўйинларни навбатма-навбат намойиш этишга келишиб олишди. Лекин ҳар бир учрашув стадиондан тўғридан-тўғри узатиладими ёки ёзиб олиниб, кечқурун намойиш этиладими, ҳозирча ноаниқ.**





***Ёш гимнастикачилар тимсолида инсоннинг жисмоний имкониятлари янада жозибали кўринади.***

**Бурҳон РИЗО олган суратлар.**

ЭЪЛОН

*Самарқанд вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси қошидаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг "Истиқболли раҳбар кадрлар заҳира мактаби"га танлов асосида тингловчилар қабул қилинади.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинади:**



**1. Маълумоти тўғрисида ҳужжат;**
**2. Иш фаолияти тўғрисида маълумот;**
**3. Меҳнат дафтарчасидан нусха;**
**4. Тавсиянома.**

***Ҳужжатлар 2002 йилнинг 15 февралигача қабул қилинади.***

**Қўшимча маълумотлар учун манзилгоҳ: Самарқанд шаҳри, Шоҳруҳ кўчаси, 82-уй. Телефонлар: 33-52-86, 33-62-23.**

ЭЪЛОН

